

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

**ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БИР
ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ
МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ**

Азиз ватандошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!
Бугун биз мамлакатимиз ҳаёти-
даги унутилмас тарихий воқеа —
Ўзбекистонимиз мустақилликка
эришган куннинг йиғирма бир
йиллигини нишонламоқдамиз.

Ана шу буюк сана билан, халқи-
миз асрлар давомида интилиб, ор-
зиқиб кутган, ҳақиқатан ҳам, бар-
чамиз учун энг улуг, энг азиз бай-
рам бўлмиш Ўзбекистоннинг Мус-
тақиллик куни билан сиз азизлар-
ни, сизларнинг тимсолингизда бу-
тун халқимизни чин қалбимдан та-
бриклаш мен учун катта бахтидир.

Мен ишонаман — асрлар, замон-
лар ўтар. Аммо барчамизга ўзли-
гимизни англаш, инсоний шаъни-
мизни, кадр-қимматимизни, ўз
юртимизга эгалик қилиш ҳуқуқини,
тилимиз, муқаддас динимизни,
қадриятларимиз, урф-одатлари-
мизни қайтариб берган бу улуг
айём Ватанимиз тарихида олтин
саҳифа бўлиб, абадий сақланиб
қолажак.

Қадрли юртдошларим!
Ўз-ўзидан аёнки, кишилиқ тари-
хида, дунё харитасида давлатлар
шаклланишида йиғирма бир йил
жуда қисқа муддатдир. Лекин
Ўзбекистонимиз шу давр мобай-
нида, ҳеч шубҳасиз, юз йилларга
тенг бўлган масофани босиб ўтди.

Биз эски мустабид тузум, унинг
асоратлари ва мафкурасидан бу-
тунлай воз кечиб, тобелик ва
қарамлик даврига барҳам бериб,
кечаги ночор, ўзини ўзи боқишга
кучи етмаган ўлкадан боғини
қуч-қудрати ва салоҳиятига
таянган, ўз сарҳадлари, халқининг
тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялаш-
га қодир бўлган, халққаро ҳамжа-
мийатда муносиб ўрин эгаллаган,
тез ва барқарор суръатлар билан
ўсиб бораётган мустақил ва суве-

рен давлатлар қаторига кўтарил-
ганимизни яққол намоён этмоқда-
миз.

Ўтган давр мобайнида биз ол-
димизга қўйган буюк вазифа —
замонавий ривожланган демокра-
тик давлатлар сафига кириш, фу-
қаролик жамияти барпо этиш,
ҳаётимизни, иқтисодий ҳаётимизни
модернизация ва диверсифика-
ция қилиш ҳисобидан қўлга кирит-
ган ютуқ ва юксак марраларимиз-
нинг халққаро майдонда эътироф
этилаётганини, Ватанимиз салоҳи-
яти, моддий, иқтисодий ва интел-
лектуал куч-қудратимиз тобора
ошиб, шаҳар ва қишлоқларимиз-
нинг қиёфаси ва чехраси ўзгариб,
очиқлик бораётганини бугун ҳеч
ким инкор этолмайди.

Кўпчиликни ҳайратда қолдира-
ётган бундай ҳақиқатни тасдиқлаб
берадиган кўпгина рақам ва маъ-
лумотларни келтириш қийин эмас.

Шулар қаторида истиқлол йил-
ларида Ўзбекистон иқтисодий
қарийб 3,7 баробар, аҳолими-
нинг реал даромадлари жон бо-
шига 7 баробар, ўртача пенсия
миқдори қарийб 9 баробар, ой-
лик иш ҳақи эса 18 баробар ош-
гани, одамларимизнинг умр
кўриш даражаси ўртача 7 йилга
узайгани, ёқилғи ва ғалла муста-
қиллигига, ўзимизни ўзимиз
гўшт, сут ва бошқа истеъмол ма-
лари билан тўлиқ таъминлашга
эришганимиз буларнинг яққол
тасдиғидир.

Буларнинг барчаси аввало му-
стақилликка эришган биринчи
кунлардан бошлаб "Ислохот — ис-
лохот учун эмас, аввало инсон
учун" деган принципти ҳаётга та-
биқ этганимизнинг амалий сама-
раси, десак, ҳеч қандай хато
бўлмайди.

(Давоми 2-бетда.)

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
боғида Ўзбекистон Республикаси давлат
мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган
байрам тантанаси бўлиб ўтди**



Халқимиз Ватанимиз давлат му-
стақиллигининг йиғирма бир йил-
лигини катта кўтаринкилик бил-
лан байрам қилмоқда. Бу буюк
сана юртдошларимиз қалбига бе-
мисл фахр-ифтихор, сурур бағиш-

лайди. Жорий йилда энг улуг, энг
азиз айёмимиз мамлакатимиз
бўйлаб «Тақдиримсан, бахтимсан,
эркин ва обод Ватан» деган эзгу
роя асосида нишонланмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

ХАЛҚИМИЗ БУЮК БУЊЁДҚОРЛИК САЛОҲИАТИНИНГ НАМОЙИШИ



Энг замонавий талаблар
асосида қурилган 34
минг ўринли "Бунёқдор"
стадиони днёримиз
бўйлаб изчил давом
этаётган бунёқдорлик
ишларининг амалдаги
яна бир ёрқин ифодаси
бўлди.

7-бет >

ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИ: ЯНА БИР ЮКСАК ЭЪТИРОФ



Таълим соҳасидаги
инновациялар
кўрсаткичи бўйича
Ўзбекистон ушбу
рейтинглар рўйхатида
75,38 балл билан дунёда

2-ўринни эгаллаган.

10-бет >

ВАТАНИНГ БОР БЎЙИН КЎРА ОЛ, БОЛАМ!



Ҳар гал оқнавий сайрлардан
сўнг "Шунча бунёқдорликларни
кўрдик, ҳўш, биздан эртанги
нимча қолади? Авлоқларимиз
қайси ишмиш билан
фахрланишади? Улар олдида
қозимиз ёруғми?" деган саволни,
албатта, ўртага ташлаймиш.

11-бет >

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН,

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БИР ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўтган йиллар мобайнида юртимизда уй-жой ҳажмининг кўрсаткичи қарийб 2 баробар ошгани, оилаларнинг 98,5 фоизи ўзининг шахсий уй-жойи ёки квартирасига, қишлоқларда яшаётган оилаларнинг 97,5 фоизи шахсий томорқасига эга бўлганини айтиш мумкин. Бу мақсадда амалга оширган миллий дастурларимизнинг натижаси деб қабул қиламиз.

Бундан йигирма бир йил олдин ҳар ўнта оиладан бор-йўғи биттаси шахсий машинага эга бўлган бўлса, бугунги кунда ҳар учта оиланинг биттасида автомобиль мавжуд экани, ҳар уч нафар юртдошимиздан бири интернет тармоғидан фойдаланиб келаётгани халқимизнинг фаровонлиги тобора ортиб бораётгани, унинг эмин-эркин яшаётганини намойён этади.

Шу борада яна бир мисол келтириш ўринлидир.

Бугун барча давлатларни катта ташвишга солаётган, ҳали-бери давом этаётган, жаҳон миқёсида энг долзарб, энг оғир масала бўлиб турган молиявий-иқтисодий инқирозни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон охиригача етти йил давомида дунёдаги санокли давлатлар қаторида ўртача 8-8,5 фоиз иқтисодий ўсишга эришаётгани мамлакатимиз салоҳияти барқарор ривожланиб бораётганининг яққол далилидир.

Барчамиз Ватанимизни равақ топтириш йўлида эришган марраларимизни дастлабки қадамлар сифатида қабул қилиб, бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз даркор.

Бугун шиддат билан тез ўзгараётган глобаллашув даврининг кескин талабларига, дунё бозорида тобора кучайиб бораётган шафқатсиз рақобат курашига бардош бера оладиган, фақат қатъиятлик билан олдинга интилаётган, ўзининг узокни кўзлаган тараққиёт стратегиясига эга бўлган давлатгана ривожланишнинг катта йўлида ўз эзгу мақсадларига эришмоғи мумкин.

Замоннинг ўзи ўртага қўётган айтиш шундай ўткир талабларни инобатга олган ҳолда, бизнинг олдимизда турган энг устувор вазифамиз – бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, жа-

миатимизнинг барча жаҳдаларини эркинлаштириш жараёнларини янги босқичга кўтариш, ҳаётимизнинг даражаси ва сифатини янада юксалтиришдир.

Биз учун бебаҳо бойлик бўлмиш тинчлик ва оқсоқилиқ, жамиятимиздаги меҳр-оқибат, фуқаролар ва миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачигидек асраб-авайлаш ҳамisha эътиборимиз марказида туриши лозимлигини асло унутмаслигимиз керак.

Бугунги нотинч ва мураккаб замон, яқин ва узоқ ён-атрофимизда, минтақамизда кўпдан буён давом этаётган низо ва қарама-қаршилик, тобора кескинлашиб бораётган вазият бизнинг доимо оғоҳ, доимо ҳушёр, сергак ва сезгир бўлиб яшашимизни, ҳавфсизлигимизга таҳдид солаётган ҳар қандай бало-қазонинг олдини олишимизни талаб этмоқда.

Мустақил тараққиёт йўлида амалга оширган, онгу шууримизни, ҳаётимизни тубдан ўзгартирган ишларимизга баҳо бера эканмиз, биз эришган ютуқ ва марраларни қўлга киритиш осон бўлмаганини таъкидлашимиз ўринлидир.

Бу йўлда эл-юртимиз қандай мураккаб ва таҳликали синов, тўсиқ ва ғовларни енгиллашди турли ёвуз ва зуғавон ҳаракатлар олдида бош эгмасдан, ўз эътиқодидан қайтмасдан келгани, аввало ўзининг меҳнатсеварлиги, мардлиги ва матонатли ҳисобидан бугунги ёруғ кунларга етиб келганимизни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Ҳозирги кунларда ҳам бизнинг танлаган йўлимизга шубҳа туғдириш, кечаги даврни кўрмаган, тажрибаси етарли бўлмаган ёшларни йўлдан оздиришга, истиклолимизнинг маъно-мазмунини сохталаштиришга, бизни яна эски қолип ва тобелликка қайтаришга уринадиган кучлар ва ҳаракатлар кам эмас.

Лекин бу кучлар бир ҳақиқатни англаб олиши керак. Бугун биз кечаги – 90-йиллардаги ўта содда, ҳеч қандай сиёсий тажрибага эга бўлмаган одамлар эмасмиз.

Биз бугун мустақиллик йилларида катта қийинчилик ва синовларда тобланган, дунёқараш, сиёсий ва фуқаролик савияси, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётган, ўзбекона айтганда, биз бугун оқни қорадан ажрата оладиган халқимиз.

Бизнинг халқимиз, авва-

ло, йигирма бир йил давомида вояга етган, мустақил фикрлашга, юксалиб бораётган онгу тафаккурга эга бўлган навқирон авлодимиз порлоқ келажакимизга катта ишонч билан қарайди ва ўз танлаб олган йўлидан ҳеч қачон — мен такрор айтаман — ҳеч қачон ортга қайтмайди.

Бугун жаҳон ҳамжамияти билан ҳамқадам бўлиб, узоқ ва яқиндаги хорижий мамлакатлар билан дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш, чет эл инвестицияларини ва энг замонавий технологияларни олиб келиш мақсадида юртимизда кулай иқлим ва имтиёзли шароитларни янада кенгайтириш, бизга хайрихоҳ бўлган давлатлар билан шериклик муносабатларини янги босқичга кўтариш – буларнинг барчаси доим диққатимиз марказида бўлиши шарт.

Фурсатдан фойдаланиб, шу муаззам майдонда жам бўлган хорижий мамлакатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, барча меҳмонларимизга бугунги тантанамизда байрам кувончини биз билан баҳам кўраётганлари учун сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Бугунги шукҳули дамларда бизнинг таянчимиз ва суянчимиз, умидимиз бўлмиш ёшларимизга қарата айтмоқчиман:

Қадрли фарзандларим, ҳеч қачон унутманг:

Сиз кимнинг, қандай улуг зотларнинг авлодсиз!

Сиз қандай ноёб ва бетакрор мерос ворисларисиз!

Ўз куч-ғайратингиз, билим ва қобилиятингизга, буюк Ватанимиз кудратига суяниб, маррани баланд олинг, азиз болаларим!

Сизнинг эришадиган ҳар бир ғалабанингиз — юртимиз ғалабаси, Ўзбекистон ғалабасидир!

Азизларим, қадрдонларим!

Барчангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан яна бир бор савимий табриклаб, сизларга сихат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барақа тилайман.

Бугун мана шундай ёруғ кунларга етказган, эзгу ишларимизда ўзи мададкор бўлган Яратганимизга шукроналар айтаямиз.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

(Давоми. Боши 1-бетда.)

2012 йил, 31 август. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳар қачонгидан гўзал, шукҳули, салобатли. Миллий боғ, унга туташ майдон ва хиёбонлар, йўллар ва бинолар байрамона либосда. Улар юртимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллиги, эркин ва обод Ватанимизни шарафлайдиган ҳамда Мустаҳкам оила йилига бағишланган бадиий паннолар билан безатилган. Давлатимизнинг мағрур ҳилпиратган байроғи ранго-ранг чироклар ёғдусига безанган ям-яшил арчалар, мажнунтоллар билан уйғунлашиб атмосфера ажиб тароват таратади, дилларга масрурлик бахш этади. Кўчаларни тўлдирган одамлар оқими минглаб чироклар нуридан шуғаланаётган рамзий миноралар салобат тўкиб турган муаззам майдон томон ошиқади.

Бу ерга Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан ва маданият, адабиёт ва санъат намояндalари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчионалари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ташриф буюрган.

Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг нилый гумбазларидан нур ёғилиб турган маҳобатли ҳайкали улкан мажмуага янада улугворлик бағишлайди. Ҳақиқатан ҳам, ул буюк зотнинг муқаддас руҳи ва беназир шеърятини эзгу ва хайрли ишларимизда ҳамisha ҳамнафас ва мададкор бўлиб келмоқда.

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиг, Ер ўлинг бир-бирингизга ки, эрур ёрлиг иш.

Бобокалонимизнинг инсонга чексиз муҳаббат билан тўлиб-тошган бу каби фалсафий ўғитлари маънавий меросимизнинг бебаҳо хазинаси бўлиб, наинки халқимиз, балки башарият учун ҳам буюк ҳикматдир. Зотан, улуг мутафаккир бобомиз айнан "олам аҳли" деб мурожаат қилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган 1991 йил Алишер Навоий йили, деб эълон қилинди, буюк бобомизнинг 550 йиллик таваллуди кенг нишонланди. Мустақиллигимиз эълон қилинганидан кейин санокли кунлардан сўнг, яъни, 1991 йил 28 сентябрь кунини пойтахтимизда, Алишер Навоийнинг улугвор ҳайкали қад ростлади. Бу юртимизда амалга оширилаётган бекиёс янгиланишлар ва бунёдкорлик ишларининг дебоҳаси бўлди. Алишер Навоий йили, деб эълон қилинган 1991 йил юртимиз, халқимиз тарихида кутлуг келди. Унутилмас сана бўлиб қолди. Шу боис Мустақиллик ва Наврўз

байрамларининг асосий тантаналарини маъмур боғда нишонлаш чуқур рамзий маънога эга. Халқимизнинг катта байрамлари шу ердан бошланиб, бутун мамлакатимиз бўйлаб ёйилади.

Соат 19.00. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовни қарсақлар билан қутиб оладилар.

Чорлов мусикаси байрам шодийнаси бошланаётганидан дарак беради.

Президент Ислам Каримов минбарга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллиги билан бутун халқимизни муबारакбод этади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси ижро этилади. Байрам аҳли ҳурриятимизнинг муаззам қўшиғига жўр бўлади, минг-минглаб қалблардан отилиб чиқаётган садолар бутун оламга таралади. Энг улуг, энг азиз байрамимизни элликдан ортиқ мамлакат аҳолиси сунъий йўлдош воситасида телевидение орқали томоша қилади, интернет орқали дунёнинг барча ҳудудларига кириб боради.

Майдоннинг икки томонида ўрнатилган йирик экранларда мадҳиямиз садоларига ҳамоҳанг мустақил Ўзбекистоннинг зафарли одимлари, истиклол йилларида бунёд этилган улкан иншоотлар, амалга оширилган йирик лойиҳалар, тобора чирой очиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, Ватанимиз тараққиётини ва халқимиз фаровонлигини йўлида самарали меҳнат қилаётган фидойи юртдошларимизнинг ҳаёти, мамлакатимиз ёшларининг турли соҳаларда эришаётган ютуқларини акс эттирувчи видеотасвирлар намойиш этилади.

Халқимизнинг эзгулик йўлидаги интилишлари, унинг дарди, орзу ва истаклари, анъана ва қадриятларини ифода этадиган "Мангу бўстон" қўшиғи янграб, Ўзбекистон заминидан энг улуг, энг азиз байрам бошланаётганидан далолат беради.

Бундан йигирма бир йил олдин мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш, ҳаётимизнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этиш, халқимиз манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган сиёсатни амалга ошириш бўйича танлаган йўлимиз ягона тўғри қарор эканини бугун ҳаётнинг ўзи яққол тасдиқламоқда.

Буни юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон ўзи ва оиласи, яқинлари ҳаёти, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг ҳар томонлама тараққиёт этиб, обод бўлиб, одамларимизнинг тафаккури, дунёқарашини ўзгаргани, Ватан тақдирини дахлдорлик туйғуси юксалиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ўзликни англаш тарихини билишдан бошланади. Ўз тарихи, анъаналари ва қадриятларига эга бўлган ва уни қадрлаган миллат теран илдишларидан қув-

ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

ват олади, юксалади, тараққий этади.

"Истиқлол очган ҳазина". Байрам дастурининг ушбу бўлими "Ўзбекистонда" кўшиғи билан бошланади. Ватанимизнинг мафтунг таровати, азалий шону шуҳрати баланд оҳангларида куйланган мазкур ашула гўё тантана иштирокчилари, бутун халқимиз қалбидаги, юрагидаги туйғуларни ифода этгандек бўлади.

... Юракларни сел-симоб қилиб навосоз элимиз наволари янграйди. Жон қуши сайроғига ҳамоҳанг кўна наво садоси руҳиятга қувват, сафо бахш этади. Азал-азалдан эзгулик, одабийлик, меҳр-муҳаббат, вафо ва садоқат каби олижаноб туйғулар тараннум этилган мумтоз ашулалар, жозибали рақслар байрамимизда иштирок этаётган хорижлик дўсту ҳамкорларимизни ҳам тўлқинлантириб оборади. Ана шундай паллаларда музиканинг сеҳрли кучи ва оҳанг-рабосини янада чуқурроқ ҳис этади инсон...

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган туб ўзгаришлар ва ислохотлар ўзининг тарихий асосларига эга. Бошқача айтганда, аждодларимиз қолдирган бой мерос бугунги авлодлар салоҳияти билан янгича маъно-мазмун касб этмоқда, янада бойимокда.

Бунёдкорлик ва ободлик мустақиллик тушунчаси ва ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

Истиқлолимизнинг йигирма биринчи йилида пойтахтимизда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ғояси ва ташаббуси асосида бунёд этилган яна бир улугвор қоҳона фойдаланишга топширилди. Замонавий ахборот ва компьютер технологиялари билан жиҳозланган, юртимиз ёшларига миллий ва хорижий ахборот-кутубхона фондларидан кенг фойдаланиш имконини берадиган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Симпозимлар саройини ўз ичига олган Маърифат маркази миллий маънавиятимизни юксалтиришга қаратилган катта эътиборнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Халқимиз миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигига содиқ, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг узвий бир қисми сифатида ривожланиб бормокда. Мамлакатимизда миллий ва мумтоз мусиқа меросимизни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлоди Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган етук мусиқа асарлари яратиш бораборида жаҳон классик санъатини ўрганиш, бу йўналишда етук ижрочиларни тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

...Оҳанглари эзгулик нишонлари бўлиб, байрам сахнасида жаҳон классик санъатининг дурдоналари янграйди...

Бугун мамлакатимизда кенг қулоқ ёйган бунёдкорлик иш-

лари юртимизнинг ҳамма ҳудудларини, ҳар бир шаҳар ва қишлоқни қамраб олган. Бундай улкан ўзгаришларни кўрган кишининг кўнгли юксалади. Юртимизнинг барча жойларида барпо этилаётган маданий-маърифий иншоотлар, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт муассасалари, санъат саройлари, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари, дам олиш ва ҳордиқ масканлари одамларимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда 2012 йилнинг биринчи ярмида қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиш суръати 8,6 фоизни ташкил этди. Шу вақт мобайнида маҳаллий ҳомаш ва компонентлардан фойдаланган ҳолда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга 101 янги корхона ишга туширилди. Аини пайтда замо-

лар, бетимсол ишлар билан бугун ҳар қанча фахрлансак арзийди. Яқинда хизмат юзасидан водийда бўлдим. Андижон, Наманган, Қўқон, Фарғона шаҳарларидаги ўзгаришларни, ободлик ва гўзалликни кўриб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Бундай янгилашларни юртимизнинг барча ҳудудларида кўриш мумкин. Бу каби оламшумул ўзгаришларда тараққиёт, фаровонлик сари дадил одимлаётган халқимизнинг метин иродасини, қалб кўрини, бунёдкорлик салоҳиятини кўраимиз. Тинч, обод ва фаровон юртда яшаётганимиздан фахрланамиз. Юртимиз жамолидаги ўзгаришлар, шаҳарлар ва қишлоқларимизда барпо этилаётган замонавий уйлар ҳудудларимиз кўрқига кўрк қўшмоқда, одамларнинг ҳаётдан розилигининг ифодасига айланмоқда.

ҳоланмоқда. Жумладан, Халқаро валюта жамғармасининг 2011 йил ноябрь ойида мамлакатимизда бўлган миссияси баёнотида Ўзбекистон изчил ўсишга эришганлиги ва глобал молиявий инқирозга қарши муваффақиятли чоралар кўраётганлиги қайд этилган, шунингдек, ўрта муддатли истиқболда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари сақланиб қолиши ҳақида ижобий прогноз билдирилган.

Ўзбекистонда ҳар томонлама асосланган таркибий қайта ўзгаришлар, фаол инвестиция сиёсати, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ҳамда диверсификация қилиш дастурларини амалга ошириш, экспортга йўналтирилган янги корхоналарни ташкил этиш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқлари инфратузил-

га нисбатан 24,2 фоизга, уларнинг жами активлари 30,3 фоизга, мижозларнинг банкдаги жалб этилган депозитлари 30,5 фоизга ошган. Ўзбекистон тижорат банклари-нинг барқарор ва ижобий ривожланиш прогнози етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантиришга катта эътибор кўрсатилмоқда. Ички бозоримизни рақобатбардор ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, аҳолимизни, айниқса, ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу асосда уларнинг турмуш фаровонлигини оширишда мазкур соҳа энг муҳим омиллардан бирига айланди. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 16 ва 18 июль кунлари қабул қилинган ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинликлар бериш ҳамда статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини қисқартиришга доир фармонлари бу борада янада кенг ва янги имкониятлар очди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган фаол инвестиция сиёсати натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 7,6 фоизга кўпайди ва 531 янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар тузилмасида тўғридан-тўғри инвестициялар улуши 80 фоиздан ортиқчи ташкил этди.

... "Ватан". Муазам майдон узра янграган кўшиқ уни тинглаётган ҳар бир қалбнинг туб-тубига етиб боради. Жаннатмонанд Ўзбекистон фарзанди, қандай буюк зотларнинг авлодлари эканимиздан гурур ва ифтихорга туюмиз. Эл-юртимиз тинч ва осойишта. Оилаларимиз мустаҳкам. Фарзандларимиз соғсаломат камолга етмоқда. Олам-олам орзулар билан келажакка қатъий ишонч билан яшаётган халқимиз ўзининг энг буюк байрамини кўтаринки кайфиятда нишонламоқда...

— Мана шу шуқуҳли дамларда мустақиллик аталмиш улугъ неъматинг юртдошларимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини янада теран англаймиз, — дейди тантана қатнашчиси, пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 123-мактаб директори Салтанат Тўлаганова. — Истиқлолимиз халқимиз учун эркин, бахтли ва фаровон ҳаёт кечериш имконини бериб, инсоннинг барча соҳада истеъдод ва қобилиятини тўла намоеън этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариши учун асос бўлиб келаятир. «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» эзгу ғоясини ўзида мужассам этган ушбу улугъ айём қалбларимизга чексиз ифтихор, гурур бағишлайди.

(Давоми 4-бетда.)



навий аэропортлар, темир йўл вокзаллари, шохбекатлар, магистрал йўллар, пўлат излар, кичик ва катта халқа йўллари, замонавий кўприklar ва йўл-тўқазгичлар барпо этиш, ичимлик суви, иситиш, электр энергияси тизимлари, канализация тармоқлари каби муҳим инфратузилма объектларини қуриш борасида улкан ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Шаҳар ва қишлоқларимизнинг янада чирой очилиш юртдошларимиз қалбидаги гурур ва ифтихор, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуларини кучайтирмоқда.

— Халқимиз мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида фидойилик билан меҳнат қилмоқда, — дейди байрам тадбири иштирокчиси, самарқандлик шифокор Курокбой Синдоров. — Истиқлол йиллари Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ана шу эзгу мақсад йўлида қўлга киритилган улкан ютуқ-

Дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар, нуфузли халқаро молия институтлари, етакчи эксперт ва таҳлилчилар томонидан эътироф этилаётган тараққиётнинг "Ўзбек модели" ўзининг нақадар ҳаётбахш, буюк келажакимизга йўналтирилган концепция эканини тўла исботлади. Ўзбекистоннинг бугунги қудрати ва салоҳияти, халқаро майдонда тобора ортиб бораётган обрў-эътибори, мамлакатимиз жаҳоннинг қўллаб-даватларини оғир аҳволга солиб қўйган иқтисодий танглик шароитида ҳам барқарор юқалиб бораётгани мазкур концепциянинг чинакам тарихий аҳамиятга эга эканидан далолатдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва инқирозга қарши чоралар дастури самарадорлиги Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар томонидан юқори ба-

масини жадал ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган ислохотлар иқтисодийнинг барқарор ва мувозанатлашган ҳолда тараққиқ этириш имконини бермоқда.

2012 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши суръати 8,1 фоизни ташкил этди.

Молия-банк тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича қўрилаётган комплекс чора-тадбирлар банк тизими капитални етарлилик даражасининг юқори кўрсаткичлари сақланиб қолишини ҳамда кредитлаш қўлами кенгайтирилишини таъминламоқда. 2012 йилнинг 1 июль ҳолатига қўра, банк тизими ресурс базасини кенгайтириш ва банкларнинг инвестиция фаоллигини кучайтириш доирасида банк тизимининг жами капитали 2011 йилнинг шу даври-

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

(Давоми.
Боши 1-, 2-, 3-бетларда.)

Юксак технологиялар асрида яшаймиз. Ҳар куни бир янгилик, бир янгиликниш гувоҳи бўламиз. Буни юртимиз сановатини янада ривожлантириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга доир чора-тадбирлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, мамлакатимиз автотомбильсозлари ўтган йилнинг сентябрь ойида «GM-Uzbekistan» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган, янгиланган «Chevrolet Captiva» автотомбилини, жорий йилнинг март ойида «Chevrolet Malibu» автотомбилини тақдим этдилар. Бундан ташқари, «Сурғил» кони негизига Успорт газ-кимё мажмуаси ҳамда Қашқадарё вилоятида синтетик суюқ ёнилги ишлаб чиқарадиган улкан завод қурилиши бошланди.

Жорий мавсумда мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги тарихида янги саҳифа очилди — деҳқонларимиз 7 миллион 170 минг тонналик улкан галла хирмони бунёд этдилар. Бу дастурхонларимиз тўқинлиги, рўзгорларимиз кут-баракаси демакдир. Айни пайтда минглаб гектар майдонларда янги боғлар, тоқзорлар барпо этилмоқда, шахсий томорқа ҳўжалиқларида кўплаб иссиқхоналар ташкил қилинмоқда. Сабзавот, картошка, полиз экинлари, мева, узум етиштириш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми изчил ўсиб бораётди. Чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик жадвал ривожланимоқда.

Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги ва улар нархининг ўсаётгани кузатилаётган бир шароитда бундай юксак натижалар мисолида фаровонлик сари дадил одимлаётган меҳнаткаш халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти намойён бўлади.

...Майдонга бахти кулган болаларимиз кириб келади — атрофни уларнинг шўх-шодон кийкириқлари тўтиб кетади. Бу дунёда бола кийкириқидан кўра жозибалироқ овоз борми?! Болалар яйраса, кўнгил яйрайди, болалар кулганда, олам кулади. «Янги авлод», «Томоша», «Тантана», «Севинч», «Ором» болалар бадиий жамоалари ижросида ўғил-қизларимизнинг орзу-интилишлари, шўхлик ва эркаликлари, болаларнинг беғубор олами ифода этадиган куй-қўшиқ ва рақслар намойиш этилади. Озод дўғимизда ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етатган, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан ҳар томонлама беллашувга тайёр баркамол авлод, улар эришяётган улкан муваффақиятлар тараннум этилган ашула ва рақслардан диллар яйрайди...

Баркамол авлод — халқимизнинг энг олий орзуси. Президентимиз таъкидлаганидек, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маъ-

навий жиҳатдан соғлом ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси муҳассам.

Баркамол авлодни тарбиялашнинг асосий омилларидан бўлмиш она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оммавий спортни, хусусан болалар ва хотин-қизлар спортини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида «Соғлом она — соғлом бола» ғояси асосида бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Хусусан, соғлом оилани шакллантириш ва ирсий касалликларга чалиниш мумкин бўлган ҳолатларни камайтириш мақсадида турмуш қураётган шахсларни никоҳдан олдин мажбурий тиббий кўрикдан ўтқа-

ри ижросида мамлакатимизда жамиятнинг асосий бўғини бўлмиш оила мустаҳкамлиги, унга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик тўғрисида «Мустаҳкам оила» қўшиғи янграйди...

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2012 йил юртимизда Мустаҳкам оила йили, деб эълон қилинган. Давлатимиз раҳбари истиқлолнинг илк йилларида миллий маънавиятимизнинг мустаҳкам кўргони — оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, ижтимоий ҳимоя қилишга, фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёш оилалар ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, оила соғлигини, оналик ва болаликни муҳофа-

ўрин тутати. Пойтахтимизда шу йил февраль ойида бўлиб ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзудаги халқаро конференция иштирокчилари Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим соҳасини ислоҳ қилиш, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо бериб, уни дунё мамлакатлари учун намуна сифатида кўрсатдилар. Баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу мақсад йўлида Ватанимиз қўлга киритаётган бундай улкан ютуқлар жаҳонда кенг эътироф этилаётгани халқимизга катта гурур ва ифтихор бағишламоқда.

Киндик қонимиз томган шу муқаддас туپроқни она Ватан дея атаймиз. Мустақиллик йилларида пойтахтимиз Тошкент шаҳрида бунёд этилган «Мустақиллик ва эзгулик монументи», «Мотамсаро она», «Ватанга қасамёд» мажмуаларида она сиймолари — Ватан тимсоли ўз аксини топган.

Байрам томошаси дастуридан ўрин олган «Она тимсолида азиздир Ватан!» бадиий композициясида бу маъно-мазмун чуқур ифода қилинган.

Юртимиздаги тинчлик-осойишталик, миллатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ҳамда меҳр-оқибат муҳити мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий тараққиётида мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда бир юз ўттиздан зиёд миллат ва элат вакиллари ягона оила бўлиб, дўстлик ва иноқликда ҳаёт кечирмоқда. Уларнинг тили, урф-одат ва анъаналарини ҳар томонлама ривожлантириш ва ўзаро бойитиш учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. 2012 йилда мамлакатимиздаги кўплаб миллий-маданий марказлар фаолиятига ҳар томонлама ёрдам бериб келаётган Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 20 йиллиги кенг нишонланди.

...Майдонга ҳарбий мусика садолари остида озод Ватанимизнинг мустаҳкам қалқонлари бўлган ҳарбийларимиз кириб келади...

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондонни Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, тинч-осойишта ҳаётимизнинг кафолати бўлган замонавий Қуролли Кучларни шакллантириш, унинг қудрати ва салоҳиятини ошириш бўйича улкан ишлар тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ислам Каримов Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам

табригида бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиб, олдинда турган долзарб вазифаларни белгиллаб берди.

Ватан шаъни, ғурури ҳақида сўз кетганда она юртини ҳимоя қилиш энг муқаддас бурч эканини ҳар бир ўғил-қиз юракдан ҳис этаётгани барчамизни қувонтиради. Ҳарбийлар, ҳарбий билим юртлари курсантлари, Ўзбекистон Қуролли Кучлари ансамбллари ижросида ана шу туйғуллар тараннум этилади. «Бу Ватан манимдир», «Сиз меннинг посбонимсиз» каби қўшиқлар тантанавор оҳангларда янграйди.

2012 йилда мамлакатимиз тарихидаги яна бир кутлуғ сана — Конституциямиз қабул қилинганнинг 20 йиллигини нишонлаймиз. Юртимизда мустақил, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб келаётган Асосий Қонунимиз сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва маънавий соҳалардаги тараққиётимиз, юртимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, халқаро майдондаги ўрни ва нуфузини юксалтириш борасидаги ютуқларимизнинг бош омили эканлигидан фахрланамиз.

...Байрам тантанаси янада қизийди: эркин ва обод Ватанни мадҳ этувчи қўшиқлар ва рақсларда обод Ватанда яшаш завқи, ёш авлод қалби ва тафаккурда жўш ураётган бунёдкорлик иштиёқи, шу заминда туғилиб камол топиш бахтидан масрурлик ҳислари жўш уради...

Эркин ва обод Ўзбекистон — бизнинг тақдиримиз ва бахтимиз. Бу жаннатмонанд дўғр вассфини севиб куйламоқ — саодат. Майдон узра таралаётган куй ва алёрларда мустақиллик, тинч ва осойишта ҳаёт улуғланади, эркин ва обод Ватанга фарзандлик меҳри, шукроналик ва миннатдорлик туйғуси билан йўғрилган, сеvgи, садоқат ва дўстликни мадҳ этувчи қўшиқлар жозибали рақсларга уланади.

Замонлар ўтади, мамлакатимизда янги-янги авлодлар дунёга келади, аждодларимизнинг, халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарган, эркин ва обод Ватан барпо этиш йўлида қанот бўлиб, бекиёс имконият ва истикболларни очиб берган бу юл юртимиз тарихида асло ўчмайдиган буюк сана бўлиб қолаверади.

Самога сочилган ранг-баранг мушаклар қалблардаги ғурур ва ҳаяжон туйғуларини тоширади.

Кўнгилларда энг эзгу, энг буюк ниятлар туғён уради:

— Мустақиллик байрамнинг муборак бўлсин, жонажон Ўзбекистоним!

— Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

Олим ТўРАҚУЛОВ,
ЎЗА шарҳловчиси
Сарвар ЎРМОНОВ ва Аъло
АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган
суратлар.



АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ МАНГУ БАРҶАЁТ

Мустақиллик шарофати билан миллатимиз, халқимиз шаъни, қадр-қиммати, гурур-ифтихори, маънавияти ва миллий қадриятлари қайта тикланди. Мустабид тузумнинг турли даврларида қатагон қилинган, қатл этилган юзлаб юртдошларимиз, Ватанимизнинг фидойи фарзандлари хотираси абадийлаштирилди, уларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Бундай савобом ва хайрли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Мустақиллик байрами олтидан бугунги саодатли кунларга етишимиз, Ватан озодлиги, юрт тараққиёти йўлида жонини фидо қилган аждодларимизни хотирлаш, уларнинг руҳи покларини шод этиш эзгу амаллардандир. Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан 2001 йилдан буён 31 август Қатагон қурбонларини ёд этиш кунли сифатида мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

Тошкент шаҳрида бунёд этилган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи мустабид тузум даврида зулм ва таъовуз қурбони бўлган минглаб ватандошларимиз хотирасига кўрсатилган улкан эҳтиромнинг ёркин ифодасидир. Бундай мўътабар масканларни зиёрат қилиш киши руҳини поклайди, эзгуликнинг абадий экани ҳақида мушоҳада қилишга ундайди. Айни чоғда шундай зиёратгоҳлар ва қадим-жолар бугунги тинч ва хотиржам ҳаёт, тўқинлик ва фаровонликка қандай оғир йўқотишлар, синовлар ва машаққатлар эвазига эришганимизни ёш авлодга англашдирилган, уларнинг қалби ва онига миллий истиклол гоёсини янада чуқурак синдиришга хизмат қиладиган маънавият ва маърифат ўчоқларидир.

2012 йил 31 август тонги. Қатагон қурбонларини ёд этиш кунли муносабати билан пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизни хотирлаш маросими ўтказилди. Қурбон тиловат қилиниб, қатагон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди. Аънамага кўра ош тортилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Ўтганлар хотираси муқаддас. Бугунги нурафшон кунларни орзу қилган, шу йўлда ўз ҳаётини ҳам аямаган қатагон қурбонларининг хоти-

расини ёд этар эканмиз эзгулик аталмиш қудратли кучининг абадийлигига, адолат тантанасига яна бир бор амин бўламиз. Шаҳид кетган ватандошларимизни эслар эканмиз, улар орзу қилган, улар учун бир умрлик армон бўлиб қолган, бугунги авлодларга насиб этган эркин, обод ва фаровон ҳаётнинг моҳияти ва аҳамиятини янада чуқурак англаймиз.

Тарихини билмаган, ўзлигини англамаган халқнинг келажаги йўқ. Шу боис мустақиллигимизни кўз қорачигидай асраш, мустаҳкамлаш, Ватанга садоқат сингари муқаддас тушунчаларини ёшларимиз онига чуқур синдириш даркор. Улар оқни қорадан, ҳақни ноҳақдан ажрата олсин. Зеро, ватанпарварлик гоёси онига чуқур муҳрланган, дунёқарашини кенг, ҳар жиҳатдан билимли, зукко, ҳамиша огоҳ авлодни ҳеч ким енголмайди. Элим деб, юртим деб ёниб яшаётган бундай навқирон авлодга четдан ҳеч ким ўз таъсирини ўтказма олмайди.

Шу маънода "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида бунёд этилган "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи юртдошларимизни, айниқса, навқирон авлодни тарихимизни яхши ўрганиш ва ундан сабоқ чиқариб, мана шундай дорилмомон кунларимизнинг қадрига етиб яшашга ундовчи масканлардан биридир. Музейдаги экспонатлар мунтазам равишда янгиланиб, унинг ҳазинаси ўша давр руҳини акс эттирадиган буюм, жиҳоз ва маълумотлар билан бойитиб боришмоқда. Бу ерда мустабид тузумнинг шохиди бўлган кекса авлод вакиллари билан учрашувлар, тарих, маънавият дарсларини ўтказиш яхши аънамага айланган.

Давлатимиз раҳбари уламолар, жамоатчилик вакиллари билан суҳбатда тарихий хотира, мамлакатимизда мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқлар, эл-юртимиз ҳаёти, одамларимиз турмуш тарзи, онгу тафаккурида рўй берган ўзгаришлар, жаҳондаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият тўғрисида суҳбатлашди.

Бугунги кунда дунёнинг турли

минтақаларида, хусусан, араб мамлакатларида содир бўлаётган ноҳус воқеалар ҳар қандай соғлом фикрли инсонларни чуқур ташвишга солади, деди давлатимиз раҳбари. Турли можаролар, ўзаро қарама-қаршиликлар, қон тўкилишлар жаҳоннинг қайси мамлакатиди рўй бермасин, бундан кўнглимиз ғаш тортади.

Дилни хира қиладиган бундай воқеалар биздан узоқда, деб унга лоқайд қараш хомхаёлликдир. Нега деганда, бундай бало бир мамлакат ёки минтақа доирасида чегараланиб қолмайди, вақтида бартараф этилмаса, тобора кучайиб, бошқа мамлакат ва минтақаларга ҳам ёйилиши мумкин. Шунинг учун дунёда бўлаётган воқеа ва ҳодисалардан ҳамиша огоҳ бўлиш, она Ватанимиздаги тинч, осойишта ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш, шу фаровон, осуда ҳаётни янада мустаҳкамлаш учун ҳар бир инсон ўз ҳиссасини қўшмоғи, эл-юрт тақдири, келажаги учун дахлдорлик тўғрисида дилига жо қилмоғи даркор.

Бу хусусда гапирар экан, Президентимиз қўшни Афғонистондаги мураккаб вазиятга яна бир бор эътиборни қаратди. Ўзбекистон бу давлатда ўттиз йилдан ортиқ вақтдан буён давом этаётган можаролар тезроқ барҳам топиб, мамлакат тикланиши ва тараққиёт йўлига тушиб олишини истайди. Зеро, халқимизда "қўшнинг тинч – сен тинч" деган мақол бор. Умуман, ҳамиша эзгу ва хайрли ниятлар билан яшайдиган халқимизнинг орзуси, мақсади битта – жаҳондаги барча мамлакатларда, элларда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурсин, одамлар бахтли ва фаровон ҳаёт кечирсин.

Улуғ неъмат — мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикдан хотиржамликка берилиш, огоҳлик ва сезгирликни йўқотишга мутлақо ҳаққимиз йўқ, деди Ислам Каримов. Тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш фақат муайян соҳалар ходимларининг вазифаси, деганлар қаттиқ янглишади. Бу йўлда барчамиз, бутун халқимиз янада жипс бўлиб, ҳамжихатликда ҳаракат қилишимиз керак. Ўз уй-

ингни ўзинг асра, деган гапда ҳикмат кўп, унинг маъноси кенг. Зеро, тинчлик учун курашиш керак, уни ҳеч ким яратиб бермайди.

Халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етиш, дунёнинг турли мамлакатларида кечаётган ўзгариш ва воқеалар хусусида, уларнинг асл сабабларини тушунириш ишларини олиб боришда имом-хатибларнинг ҳам ўрни ва аҳамияти катта бўлмоғи зарур. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги имом-хатиблар бундан 15-20 йил олдингиларидан жиддий фарқ қилади. Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуаси қошида ташкил этилган ўқув маркази бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун дин вакиллари ҳам юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаб, ён-атрофда содир бўлаётган воқеалардан доим хабардор, огоҳ бўлиб бормоқда.

Шу азиз Ватанимизни кўз қорачигидек асраш, унинг тинчлиги ва барқарорлигини ҳимоя қилиш, салохиятини янада юксалтириш бarchamizning, мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Мустақиллик йилларида халқимиз эришган улкан марралар, элюртимизнинг тинчлиги ва фаровонлиги тўғрисида айнан мана шу ерда, Ватанимиз озодлиги, халқимиз эркинлигини орзу қилган ва шу йўлда ўз ҳаётини қурбон қилган улуг аждодларимизнинг хотираси шарафига барпо этилган ушбу мажмуада юксак гурур ва ифтихор билан гапирётганимиз чуқур рамзий маънога эга, деди пировардида Ислам Каримов. Бу билан буюк аждодларимизга миннатдор авлодлар сифатида, сизларнинг энг олий, энг эзгу орзу-ниятларингиз амалга ошди, мустақил Ватанимиз тобора юксалиб, ривожланиб бормоқда, авлодларингиз ўз юртининг ҳақиқий эгаси бўлиб, бахтли ва фаровон ҳаёт кечирмоқда, деймиз.

Шу кун Президентимиз Ислам Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиклолимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Вазиirlар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам ёдгорлик пойига гуллар қўйилди.

ЎЗА

КАСБИМДАН ЭЪЗОЗ ТОПДИМ

Хушxabарнинг қаноти бор, дейишади. Бошланғич синф ўқитувчиси Гулшайм Жалиеваннинг мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан Президентимиз фармонида кўра Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси унвони билан тақдирлангани дарров бутун Бухоро вилоятига овоза бўлди. Жонқуяр педагог зумда яқинлари, дўсту дўгонларининг табриду қутловларига кўмилиб кетди. У айни кунларда чексиз қувонч, ҳаяжон оғушида яшамоқда. Дилидаги туйғуларининг чеки йўқ.

— Камтарин меҳнатим шунчалик қадрланганидан беҳад шодман. Бу мукофот аслида ўр менга эмас, барча ўқитувчиларга, устозларимга берилганини қувонч билан эътироф этишим керак. Колаверса, унвон зиммамдаги масъулиятни янада оширади.

Кувончли хабарни эшитган чоғим Бухоро давлат педагогика институти(ҳозирги БухДУ)нинг бошланғич таълим факультетини тамомлаб, Олот туманидаги 12-мактабга ишга келган илк кунларим хотирамда гавдаланди. Хали ўқитувчиликнинг пасту баландини

тўлиқ тушуниб етмаган мендек ёш мутахассиста мактабдаги устозларнинг маслаҳати, кўмаги далда бўлганди. Бугун эзгулик йўлидаги ҳар бир ҳаракат муносиб баҳоланишига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим.

Shukrona

Мустақиллигимизнинг ҳар йилги тантаналарини фаолиятимда бирор-бир янгилик билан кутиб олишни аънамага айлантирганман. Бошланғич таълим услубчиларига мўлжалланган ўндан ортиқ методик қўлланмам чоп этилди. Яқинда "Бош-

ланғич таълим ўқувчилари билимидаги бўшлиқларини аниқлаш ва уларни тўлдириш борасида машғулотлар ўтказиш" деб номланган рисолам нашрдан чиқади.

Ўқитувчилик касби қанча машаққатли бўлса, шунча шарафли ҳамдир. Шогирдларимнинг ютуқларини кўрганимда ёки эшитганимда барча қийинчиликлар унутилиб, юксак шарафга эришгандек сезаман ўзимни. Ўқувчиларим эса ҳар йили турли танловларда голиб бўлиб, мени мамнун этишади.

Камтарин хизматларим "Ўзбекистон Республикаси

халқ ўқитувчиси" деган юксак унвонга муносиб кўрилганидан чексиз миннатдорман. Президентимизнинг биз — таълим ходимларига кўрсатаётган эътиборлари ва билдираётган юксак ишончларига муносиб жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Барча юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги билан чин дилдан табриклайман. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Шундай файзиёб кунларимиз давом этаверсин! Хонадонларимиз болажонларнинг шодон кулгусидан яшнаб турсин!

Сора ТОШЕВА ёзиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2012 йил 30 августда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси очилди. Унда ялпи мажлисга тақлиф этилган Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиоров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини давлат раҳбарининг қонунчилик таъаббуси тартибда киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар.

Мухомама давомида сенаторлар таъкидлаб ўтганларидек, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси давлат ташқи сиёсатининг фундаментал принциплари ва стратегик устувор йўналишларини, халқаро майдондаги мақсад ҳамда вазибаларини, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини илгари суриш механизмларини белгилаб берадиган қарашларнинг яхлит тизимидир.

Сенаторларнинг фикрига кўра, ушбу қонуннинг қабул қилиниши давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлашга, мамлакатнинг халқаро муносабатларининг тўлақонли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини янада кучайтиришга, ривожланган демократик давлатлар сафидан ўрин олишига, Ўзбекистон теварагида ҳавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик ҳудудини яратишга ёрдам беради. Батафсил муҳомамадан сўнг қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида тайёрланган қонунларни ҳам кўриб чиқиб, маъқулладилар.

«Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни шулар жумласидан бўлиб, у хусусий мулкни ҳимоя қилишни кучайтиришга, унинг дахлсизлигини ишончли кафолатлари тизимини яратишга, мулкдорлар ҳуқуқлари кафолатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши иқтисодиётда хусусий мулк самарали амал қилиши учун қўлай шарт-шароит яратиш имконини беради, тадбиркорлик ташаббуси рағбатлантирилиши, шунингдек, мулкдорнинг ўз фаровонлигини оширишга қаратилган тадбиркорлик фаолияти кафолатларини таъминлайди, бу эса мамлакатда бозор муносабатларини янада ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Сўнгра сенаторлар Концепцияга мувофиқ ишлаб чиқилган «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Мухомама давомида ушбу қонун айланувчини лавозимидан четлаштириш

ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбуриятлар чораларини суд тартибда қўллаш, жиноят ишлари кўзга тушиб ҳуқуқини суднинг ваколатларидан чиқариб ташлаш, ишнинг судда кўриш вақтида жиноят иши юзасидан айблов ҳулосасини ўқиб эшитириш мажбуриятини прокурорга юкланиш назарда тутиши кўрсатиб ўтилди.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонунларнинг қабул қилиниши суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширишда суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида «Хабас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, суднинг суд муҳомадасини адолатли олиб боришдан иборат асосий вазифаси бажарилишини таъминлаш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари амалга оширилишига имкон беради.

Шундан сўнг сенаторлар «Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қўнунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиб, маъқулладилар. Қонун давлат органларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик фаолиятига асоссиз аралашувига йўл қўймаслиққа, тадбиркорларнинг қўнуний манфаатларини ҳимоя қилишининг қўшимча ҳуқуқий механизмларини яратишга қаратилган.

Сенаторлар «Мардлик» ордени таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Мухомама вақтида таъкидланганидек, «Мардлик» ордени тўғрисидаги низомига мувофиқ ушбу ордени билан ўзларини Ватанини ҳимоя қилишга ва она юрт хизматида бағишлаган, бунда мардлик ҳамда жасорат кўрсатган ҳарбий хизматчилар ва бoshqa фуқаролар мукofотланади. Алоҳида ҳолларда «Мардлик» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукofотланиши мумкин. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ҳамда «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, ушбу қонуннинг асосий мақсади амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини бир хиллаштириб, барча ташкилотларда меҳнат ҳақини меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткиси бўйича биринчи разряддан кам бўлмаган миқдорда белгилашдан, шунингдек, солиқ қўнунчилигини янада такомиллаштиришдан иборат.

Сенаторлар, шунингдек, «Ўзе-

кистон Республикасининг Ҳаво қудратига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳомама қилдилар. Қонун авиация тармоғининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга, Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлган халқаро шартномалар нормаларини миллий қўнунчиликка имплементация қилишга, шунингдек, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти комиссиясининг (ИКАО) тавсияларини бажаришга қаратилган.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳри ва Фарғона тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги тақлиф кўриб чиқилди. Мамлакат ҳуқуқининг ушбу тақлифни маъқуллаш Фарғона вилоятининг маъмурий-ҳудудий бўлинишини такомиллаштиришга, ҳудудларнинг яхлитлигини ва ушбу ҳудудий бирликлари бoshқариш самарадорлигини оширишга, маҳаллий аҳоли учун шароитларни янада яхшилашга ёрдам бериши қайд этилди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар.

Мажлисда қайд этилганидек, Марказий банкнинг 2011 йилдаги фаолияти «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоҳ Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 январдаги 2010 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш ақдулари ҳамда 2011 йилнинг энг мумим устувор йўналишларига бағишланган мажлисда белгилан берилган вазибаларни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йил 27 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бoshқаруви раиснинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2010 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги Қарорини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2011 йил 15 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ш.Мирзиёевнинг «Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётини ривожлантириш борисида ҳукумат томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги қўшма қарорини сўзсиз бажаришга қаратилди.

2011 йилда мамлакат банк тизими фаолиятининг устувор йўналишлари ислохотларини янада чуқурлаштиришдан, мамлакат банк тизимининг самарадорлигини, барқарорлигини ва ликвидлигини оширишдан, етакчи халқаро рейтинг компанияларининг юқори рейтинг кўрсаткичларини қўлга киритишдан иборат бўлди. Макроеқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш ва инфляция даражаси мақсадли параметрлар доирасида сақланиши таъминланди. 2011 йил якунлари бўйича инфляция даражаси 7,6 фоизни ташкил этди, тижорат банкларининг умумий капиталли 30,1 фоизга ўсди. Бундан ташқари, банкларнинг барқарорлигини ва ликвидлигини ошириш бўйича амалий чоралар қўрилганлиги банк-

ларнинг активларини 32,4 фоизга қўлайтириш имконини берди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури доирасида катта қўламдаги ишлар амалга оширилиши натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2010 йилдагига нисбатан 1,5 баравар қўлайди ва 4,1 триллион сўмни ташкил этди, шу жумладан микрокредитлар ҳажми 752 миллиард сўмдан ошди ва бу кўрсаткич 1,5 баравар қўлайди. Ушбу соҳага ажратилган кредитлар ва микрокредитлар мамлакат минтақаларида 291 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилишига ёрдам берди.

Аҳолининг ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бул пул маблағларини кредит ташкилотларининг депозитларига жалб этишнинг рағбатлантириш юзасидан қўриладиган чора-тадбирлар омонатлар ва депозитлар ҳажминини 2010 йилдагига нисбатан 36,3 фоизга қўлайтириш имконини берди.

Шу билан бирга, сенаторлар ҳисобот юзасидан ўз чиқишларида бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни либераллаштиришнинг гоат мумим омилли ва шартли сифатида мамлакат банк-молия тизимининг барқарорлиги ҳамда самарадорлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг роли ва аҳамияти мумимлигига эътиборни қаратдилар. Мамлакатимиз минтақаларини иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш борисиди энг мумим устувор вазибаларни ҳал қилишда банк-молия тизими субъектлари маҳаллий давлат ҳўқимияти ва бoshқаруви органлари билан яқиндан ўзаро ҳамкорлик қилишининг роли ва аҳамияти алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўққизинчи ялпи мажлисининг биринчи иш кўни тугади.

2012 йил 31 август кўни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Ялпи мажлисининг иккинчи кўнида сенаторлар Конституция нормаларига мувофиқ ва Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ҳўқимияти ва бoshқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини кўчайтириш юзасидан белгилаб берилган қонунларни рўёбга чиқариш доирасида мамлакат минтақаларига хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан олиб бориладиган ишлар тўғрисидаги парламент эшитувини ўтказдилар.

Мажлисда кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан мамлакат минтақаларига хорижий инвестицияларни жалб этиш борисида мўайян ишлар амалга оширилмоқда. Чўнотчи, мамлакатимизда яратилган қўлай инвестиция мўҳити тўғрисидаги ахборотни кенг ёйиш мақсадида мўнтазаз равишда халқаро кўргазмалар, ярмаркалар, анжуманлар ва конференциялар ўтказилмоқда. 2011 йилда 50 дан ортиқ, 2012 йилнинг биринчи яр-

мида эса 32та чет эл делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи ташкил этилиб, бизнес-анжуманлар ўтказилди. Иқтисодий ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадида 2011 йилда Япония, Бирлашган Араб Амирликлари, Бельгия Қироллиги, АҚШ, Польшада, шунингдек, Испаниянинг Мадрид ва Барселона шаҳарларида 7та бизнес-анжуман ва давра суҳбати ўтказилди. Ўтказилган тадбирлар якунлари бўйича ҳамкорлик ҳамда хорижий инвестиция лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш тўғрисида 52та ҳўжат имзоланди.

Мамлакатимиз минтақаларининг истикболли тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳажминини қўлайтириш, шунингдек, инвестициявий лойиҳалар рўёбга чиқарилиши устидан тизимли мониторингни амалга ошириш мақсадида Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўқимликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодий вазирлиги билан биргаликда ҳар йили минтақавий инвестиция дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Умуман, мазкур дастурлар доирасида 2011 йилда 1226та лойиҳа бўйича ҳажми 841,2 миллион АҚШ долларли микдорда инвестициялар жалб этилган бўлиб, бу ҳисобот даврининг прогнозида нисбатан 110,2 фоизни ва 2010 йил кўрсаткичига нисбатан 118,5 фоизни ташкил этди.

Парламент эшитишда савол-жавоб тарзида кенг фикр алмашув бўлиб ўтди, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда минтақаларнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш, жойларда инвестиция инфратузилмасини яратиш ва такомиллаштириш масалаларида, хорижий инвестициялар иштирокидаги қорхоналарнинг барқарор ишлаши масалаларини ҳал қилишда маҳаллий давлат ҳўқимияти органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш бўйича тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди таркибларига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бoshқаруви тизимини яхшилаш ҳақидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатларига дахлдор бoshqa масалаларни кўриб чиқдилар.

Кўриб чиқилган ҳамма масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тегишли қарорлар қабул қилди.

Сенатнинг икки кўнлик мажлисида 24та масала, шу жумладан демократик ислохотларни бoshқариш-бoshқарув ва исчи қўлайлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган, амалга оширилиши аҳоли турмуш даражасини, мамлакатда барқарорлик ва фаровонлигини янада оширишнинг қудратли омилли бўладиган 9та қонун кўриб чиқилди.

Шу билан Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

ХАЛҚИМИЗ БУЮК БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 29 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди

Мамлакатимизда барча соҳаларда кенг қўлмали ислохотлар, улкан миқёсдаги бунёдкорлик ишлари, янгидан-янги sanoat корхоналари, маданият ва спорт иншоотлари, тиббиёт ва таълим муассасалари, савдо марказлари, турар-жойлар, йўллар барпо этиш изчил давом этмоқда. Бундай иншоотларни энг улуг ва энг азиз айём – Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш аънавага айланган. Ана шу хайрли аънавага мувофиқ истиқлолимизнинг 21 йиллик байрами олдидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, жумладан, пойтахтимизда қўллаб-янгиланган иншоотлар қуриб битказилди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов 29 август куни Тошкент шаҳридаги ана шундай иншоотларнинг айримлари билан танишди.

Президентимиз Академик В.Вохидов номидagi Республика ихтисослаштирилган жаррохлик марказининг Кардиожаррохлик мажмуасига ташриф буюрди.

Ўртбошимиз раҳнамолигида тиббиёт тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнида аҳолига кардиология йўналишида кўрсатилаётган хизматлар қўламини янада кенгайтириш, профилактика ва диагностика ишлари самарадорлигини ошириш ва тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилган эътибор ўзининг юксак самараларини бераётди. Кардиожаррохлик мажмуаси мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастури доирасида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг ёрқин намунасидир.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни таъминлаштириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг энг илгор услубларига асосланган юқори малакали тиббий ёрдам тизимини яратиш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ихтимой йўналтирилган сиёсатнинг устувор вазифаларидандир. Тўрт қаватли мазкур марказ кардиология жаррохлиги йўналишида фойдаланиладиган барча замонавий техника ва технологиялар билан таъминланган. Мажмуанинг биринчи қаватида кўнга икки юз беморни қўриқдан ўтказишга мўлжалланган поликлиника, қон қуйиш станцияси, стационар шaroитда даволанадиган беморларни қабул қилиш хонаси, конференция зали ва бошқа хизмат хоналари жойлашган.

Бирининг иккинчи қаватида уч ёшгача бўлган болаларнинг туғма юрак нуқсонларини даволаш бўлими, интервенцион кардиология ва юрак уриш ритми бузилиши бўлими ҳамда ангиографик жаррохлик хоналари мавжуд.

Учинчи қаватда кардиожаррохлик бўлимининг палата, гемодиализ ва трансплантация бўлимлари, клиник-диагностика лабораторияси ва диагностика хоналари жойлашган. Тўртинчи қават эса реанимация бўлими ва иккита кардиожаррохлик хоналарига эга.

Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шарт-шaroитлар билан танишар экан, жаррохлик амалиёти жараёнида фойдаланиладиган замонавий тиббиёт техникаси ва технологияларининг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди.

Жаррохликда қўлланиладиган асбоб-ускуналарни ўрна-

тишда уларнинг имконияти ва замонавийлигини инобатга олиш керак, – деди Президентимиз. – Бу жараёнларнинг замирида инсоннинг соғлиги, ҳаёти муассас эканлигини асло унутмаслигимиз лозим. Жаррохлик соҳасини янада тараққий эттириш учун ушбу йўналишда кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида қўлга киритилаётган улкан ютуқларни дунё ҳамжамиятига кенг намойиш этиш, хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш зарур.

Бундай марказларнинг ташкил этилиши, мавжудларининг қайта реконструкция қилиниб, замонавий асбоб-ускуналар, техника ва технологиялар билан жиҳозланиши халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат қўламини янада кенгайтириш, диагностика ва даволаш бора-сидида юксак технологияларни ўзлаштириш ҳамда улардан амалда оқилона фойдаланиш имкониятини бераётди. Республика ихтисослаштирилган жаррохлик марказида бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилаётди – стационар ва амбулатор шaroитда ҳар йили қарийб ўттиз беш минг беморга маслаҳат-таъхис ва даволаш хизмати кўрсатишмоқда.

Марказнинг ўзида яратилган ишланмалар асосида мураккаб операциялар амалга оширилмоқда. Биринчи навбатда, бу инсон ҳаёти учун муҳим органларни қайта тиклаш жаррохлигига тааллуқлидир. Бу борада ўткир миокард инфаркти, бўйрак томирларининг шикастланиши, қорин бўлиги, қўл-оёқ томир тизими касалликлари бўйича мураккаб операцияларни амалга ошириш услуби пухта ўзлаштирилди, микрожаррохлик ва кардиожаррохлик хизматини ривожлантиришга эришилди. Операциялар юрак очилган ҳолда ҳам, у ишлаб турган пайтда сунъий қон айлантириш аппарати уланмасдан ҳам амалга оширилмоқда. Марказ минтақамизда жигар циррози ва унинг асоратларини жаррохлик йўли билан даволайдиган ягона клиникадир.

Ушбу марказнинг фаолияти Президентимиз ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар нечоғли юксак самара бераётганидан ёрқин далолатдир. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари «Бунёдкор» футбол мажмуасидаги болалар ва ўсмирлар футбол мактаби фаолияти билан танишди.

Футболни ривожлантириш, ўзбек футболининг ёрқин келажagini таъминловчи истеъдодли спортчиларни тарбиялаш мақсадида «Бунёдкор» футбол мажмуасида болалар ва ўсмирлар футбол мактаби барпо этилди. Ушбу мактаб келажакда халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир, иқтидорли ва истиқболли футболчиларни тарбиялаш учун мўлжалланган. Бу ерда ўқувчиларнинг пухта билим олиши, ўз иқтидор ва маҳоратини ошириш учун барча шaroитлар яратилган.

Мазкур мактаб ўқувчилари бошланғич, тайёрлов, такомиллашув каби уч босқичда тахсил олади. Болаларга тажрибали, профессионал мураббийлар таълим беради.

Мактаб мажмуаси ўқув-маъмурий корпус, ётоқхона, спорт зали, сув ҳавзаси, ошхона биноларини ўз ичига олган. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дам олиш хоналари, мажлислар зали мавжуд.

Синф хоналари ўқув дастурлари, локал тизим ва интернетга эга компьютерлар билан жиҳозланган. Ҳар бири 2 ўқувчига мўлжалланган ётоқхоналарда барча шарт-шaroит мавжуд.

Мактабдаги сузиш ҳавзасини сувга тўлдирish, иситиш, филтрлаш, тўкиш тизимлари тўлиқ автоматлашган, замонавий юқори технология ускуналар билан таъминланган. Бу ерда тиббий бўлим ҳам мавжуд.

Президентимиз бу ерда тахсил олладиган болалар ва ўсмирларнинг нафақат футбол бўйича маҳоратини оширишга, балки бошқа fanлар юзасидан ҳам билим ва кўникмаларини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини қайд этди. Бошқа таълим муассасалари билан ҳамкорликда ушбу мактаб учун махсус дастур тайёрлаш зарурлигини таъкидлади.

Замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланган ушбу таълим даргоҳида яратилган кенг имкониятлар, машғулотларнинг юқори савияда, энг илгор усуллар асосида олиб борилиши ёш футболчиларнинг ўз кучи ва салоҳиятига бўлган ишончини ошириши, шубҳасиз.

Президентимиз Ислам Каримов янги қурилган «Бунёдкор» стадионини бориб кўрди.

Мамлакатимизда спортнинг барча турлари қатори футболни ривожлантириш, юксак маҳорат ва профессионал кўникмаларга эга ёш футболчиларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 1 майда қабул қилинган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан футболни қўллаб-қувватлаш ҳамғармаси тузилган. Бугун ушбу ҳамғарма томонидан болалар ва ўсмирлар фут-

болини ривожлантириш, янги ўқув-машғулот масканлари, хусусан, сунъий қўлламалли майдонларни барпо этиш, футбол мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилаётди.

Президентимизнинг 2011 йил 19 январда қабул қилинган 2011-2013 йилларда республикада футболни ривожлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларга оид қарори бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, юртимизда янги стадионлар барпо этил-

«Бунёдкор» стадионида спортчилар ва мухлислар учун яратилган шaroит ва қўлайликлар энг замонавий талабларга жавоб беради. Хусусан, биринчи қаватда спортчилар, ҳакамлар, мураббийлар, футбол маъмурулари учун мўлжалланган хоналар, ошхоналар, матбуот анжуманлари зали, футбол клуби музейи мавжуд. Стадионнинг иккинчи қаватида учта ресторан, фитнес маркази барпо этилган.

«Бунёдкор» стадионининг муҳандислик таъминотида алоҳида эътибор билан ёндашилган. 11х7,5 метр ўлчамдаги иккита видео-табло мухлисларга футбол учрашувини ҳар томон-



«Бунёдкор» футбол мажмуасидаги болалар ва ўсмирлар футбол мактаби. ЎЗА сурати

моқда, мавжудлари реконструкция қилинмоқда, болалар ва ўсмирлар футбол мактабларини замонавий спорт инвентарлари билан таъминлаш, малакали мураббийлар ва ҳакамлар тайёрлаш ишларини янада кучайтириш юзасидан кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Энг замонавий талаблар асосида қурилган «Бунёдкор» стадиони диёримиз бўйлаб изчил давом этаётган бунёдкорлик ишларининг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

34 минг ўринли стадион трибуналарида томошабинлар учун мўлжалланган ўринлар пастки ва юқориги қаватларга бўлинган. Шунингдек, бу ерда ногиронлар учун мўлжалланган алоҳида сектор мавжуд.

Давлатимиз раҳбари стадионда ҳавфсизлиқни таъминлаш, томошабинлар маданияти масалалари хусусида алоҳида тўхталди.

Биз жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган улуг мутафаккир ва алломаларнинг авлодларимиз, бой маданиятга, эзгу қадриятларга эга халқмиз, деди давлатимиз раҳбари. Халқимизнинг ана шундай гўзал қазилатлари мана бундай стадионларда ўтказиладиган футбол учрашувлари, турли спорт мусобақаларида ҳам намоён бўлиши керак. Ким қайси жамоа ёки футбол клубига мухлислик қилишдан қатъи назар унда ўзаро ҳурмат, юксак маданият бўлиши даркор. Бу борада Ўзбекистон футбол федерацияси, футбол клубларимиз раҳбарлари, мутахассислар футбол мухлислари ўртасида кенг тушунириш ишларини олиб бориши лозим. Бир сўз билан айтганда, юртимизда мухлислик маданиятини ҳам энг юқори даражага кўтариши-ми даркор.

лама қўриш имкониятини беради. Ёритиш ускуналари ФИФА талабларига тўла мос келади. Бу ерга ташриф буюрган мухлисларга маълумотларни тез ва сифатли етказиш имконини берадиган замонавий аудиосистема, рекламаларни намоёйиш қилиш учун футбол майдони четига видеооборот мосламалари ўрнатилган. Мусобақаларни тўғридан-тўғри эфирга узатувчи теле ва радиотрансляция тизими, шарҳловчилар хонаси халқаро стандартлар даражасида.

Ислам Каримов стадионда бир гуруҳ ёш футболчилар билан суҳбатлашди. Уларнинг орзу-интилошлари билан қизқиди, уларга ўз совғаларини тақдим этди.

Истиқлолимиз шарофати билан бундай муҳташам иншоотларни бунёд этиш имкониятига эга бўлди. Бу барчамизни қувонтиради, деди давлатимиз раҳбари. Энг улуг, энг азиз айёмимиз – Мустақиллик байрами арафасида қуриб битказилган, илгари тасаввур қилишимиз ҳам қийин бўлган ушбу янги замонавий футбол мажмуи барчамиз учун, бутун халқимиз учун аjoyиб байрам совғаси бўлди.

Мустақиллигимиз берган имкониятларнинг ҳаёtimиздаги ифодаси бўлган бундай кенг миқёсдаги қурилиш ишлари, спортни ривожлантириш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган бу каби иншоотлар баркамол авлодни тарбиялаш, эл-юртимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилиш бaрoбаридa халқимиз буюк бунёдкорлик салоҳиятининг ҳам яққол намоёйишидир.

Нодира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА,
Олим ТўРАКУЛОВ,
ЎЗА мухбирлари

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
«ЎҚУВ ТАЪЛИМ-ТАЪМИНОТ»
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ**

жамоаси

*озод ва обод Ўзбекистонда
истиқомат қилаётган барча миллат
ва элатлар вакиллари, жумладан,
Халқ таълими тизими фидойиларини*

***1 сентябрь — Мустақиллик
куни байрами***

*билан муборакбод этади!
Тинчлик-хотиржамлик, меҳр-оқибат,
мустаҳкам соғлик тилашдек
самимий қутловларимизни
қабул этгайсиз.*



«O'ZPAXTASANOAT» UYUSHMASI

жамоаси барча юртдошларимизни,
Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини
юксалтириш йўлида меҳнат

қилаётган олимларимизни,
фермерларни, пахта

хомашёсини қайта

ишлаш корхоналари

ишчи-хизматчиларини

ЎЗБЕКИСТОН

РЕСПУБЛИКАСИ

МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

21 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ

БИЛАН МУБОРАКБОД

ЭТАДИ!

Жонажон Ватанимизда


истиқомат қилаётган

барча миллат ва

элатларга энг эзгу

тилакларимизни

йўлаймиз.



ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимиз эришган улкан ютуқ ва марралар ҳақида сўз юритилганда, бошқа муҳим соҳалар қатори таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган умуммиллий дастурларимиз, уларнинг улкан амалий натижалари биринчи навбатда тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бугунги кунда ҳар қайси халқ, давлат ва жамиятнинг тараққиёт даражаси авваломбор унинг инсон капиталига, инсон ривожига бераётган эътибори, шу йўлдаги сазй-ҳаракатлари билан ўлчанади. Жаҳондаги энг нуфузли ташкилот — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига айна шу масалаларнинг устувор йўналишлар сифатида киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

кикот 2012 йилда 141та мамлакатни қамраб олди. Бу мамлакатлар жаҳон миқёсида ялпи ички маҳсулотнинг 99,4 фоизини ишлаб чиқариши, сайёрамиз аҳолисининг 94,9 фоизи айнан шу давлатларда истикомат қилишини инобатга оладиган бўлсак, мазкур тадқиқотнинг қўлами, салмоғи ва географиясини ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз мумкин.

М аъруза муаллифларининг фикрига кўра, дунё мамлакатлари иқтисодиётининг муваффақиятли ривожланиши ин-

лари ушбу рўйхатнинг кейинги ўринларидан жой олган.

Катта молиявий ресурсларга эга бўлган Саудия Арабистони 65,49 балл билан 15-ўринни эгаллаган бўлса, дунёнинг энг қудратли давлатлари бўлиши АКШ 31-ўринни (61,34 балл), Хитой эса 67-ўринни (52,23 балл) банд этган. Беларусь 60,55 балл билан 36-ўринни, Россия 55,18 балл билан 55-ўринни эгаллаган.

Собиқ совет ҳудудидаги бошқа мамлакатлар ҳақида фикр юритадиган бўлсак, улар рейтингда қуйидагича жойлашган: Қозғистон 69-ўрин, Қирғизистон 72-ўрин, Арманистон 85-ўрин, Грузия 87-ўрин, Озарбойжон 89-ўрин, Тожикистон 107-ўрин.

Тадқиқотга биноан, таълим тизими ривожланишининг қатор кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон дунёдаги кўплаб давлатлардан илгарилаб кетган. Хусусан, давлатнинг таълим тизими ривожини, мактабларни капитал қуриш ва янгилаш учун йўналтираётган сарф-харажатлари, ўқувчиларнинг умумий сонига нисбатан ўқитувчиларнинг сони неча фоизни ташкил этиши, аниқ фанлар ва муҳандислик иши соҳасидаги битирувчилар сони, GMAT, яъни ўқувчиларнинг бизнес мактабларида муваффақиятли таълим олиш қobiliятини аниқлаш учун стандартлашган тест асосидаги ўқувчиларнинг ўртача баҳоси ва бошқа кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистоннинг натижалари бошқа мамлакатлардан юқори экани таҳлилий мисоллар орқали аён бўлади.

Зикр этилган тадқиқотда Ўзбекистоннинг бу борада эришган ютуқларининг асосий мезон ва омиллари ҳақида атрофлича фикр юритилади. Айниска, инсон капитали ва тадқиқотлар учун инвестициялар, таълим ривожига қаратилган давлат харажатларининг даражаси ва умуман, таълим тизимининг ҳолати Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва инновацион салоҳиятининг энг кучли томонларидан бири экани алоҳида таъкидланади.

Шу муносабат билан муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг қуйидаги фикрларини эста олиш ўринлидир: "Биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилаш ҳар қайси миллат ва халқ учун қундалиқ ҳаёт мазмунига айланмаса, бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетishi мукаррар".

Айтиш керакки, бир пайтлар умумбашарий ривожланишдан чиндан ҳам четда қолиб кетган халқимиз ўтмишнинг аччиқ тажрибасидан тўғри сабоқ чиқариб, мустақиллик йилларида илм-маърифатга, интеллектуал тараққиётга интилиш, ёшларимизни айнан шу руҳда тарбиялаш масаласини ўзи учун энг устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олгани ва бу борада улкан амалий самараларга эришаётгани туфайли бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон тараққиётининг олдинги сафларига чиқиб бормоқда. Буни юқорида зикр этилган рейтинг натижалари ҳам яққол исботлаб турибди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИ:


ЯНА БИР ЮКСАК ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон ўз мустақил тараққиётининг биринчи кунларидан бошлаб инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини олий қадрият сифатида улуғлаб, бу ғояни давлатимиз Конституциясида ҳуқуқий қоида шаклида мустаҳкамлаб қўйди. Шу асосда ўтган даврда фойда кенг қўламли ишлар амалга оширилиб, инсон манфаатларини таъминлаш барча ўзгариш ва ислохотларимизнинг бош мақсадига айланди. Бу ҳақда Президентимиз Ислам Каримовнинг БМТ Бош ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлиси минбаридан туриб сўзлаган нутқи ва бошқа чиқишларида атрофлича фикр юритилгани, бу борада яқин ва олис истиқболга мўлжаллаб қабул қилинган стратегик дастурларимизнинг мазмун-моҳияти кенг баён этилгани жамоатчилигимизга яхши аён, албатта.

Ўз вақтида узокни кўлаб ишлаб чиқилган, изчиллик билан амалга оширилаётган, дунёда ўхшаши кам бўлган умуммиллий дастурларимиз туфайли таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, болалар спортини ривожлантириш, ёш истеъдод эгаларини кўлаб-қувватлаш бўйича самарали тизим, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос модель шаклланди.

Энг муҳими, уларнинг ҳар бири юртимизда янги демократик жамият қуриш концепциясининг узвий таркибий қисми сифатида буюк келажагимиз биносини барпо этишда фойда муҳим роль ўйнамоқда. Бу дастурлар тобора амалий ҳаётимиздаги реал қадриятга, янги ҳаёт ва дунёқараш негизига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради. Бугунги кунда бу йўлда қатъият билан олиб борилаётган ишларнинг аниқ натижаларини ҳар бир юртоошимиз ўз ҳаётида хис этаётгани, уларнинг онту тафаккурини, маънавий олами ана шундай ўзгаришлар туфайли юксалиб бораётгани шундай деб таъкидлашга асос беради.

Бу ҳақда гапирганда, ўтган йилнинг ноябрь ва шу йилнинг февраль ойларида мамлакатимиз пойтахтидаги Симпозиумлар саройида ўтказилган "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола" ҳамда "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт"и мав-



зусидаги халқаро конференциялар ҳақида эслаш ўринлидир. Хусусан, юқорида зикр этилган иккинчи халқаро анжуманда дунёдаги 8та нуфузли халқаро ташкилот ва 48 давлатдан 270 нафар иштирокчи қатнашди. Уларнинг барчаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури доирасида юртимизда амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишиб, мактабларда, академик лицей ва касб-хунар коллежларида, олий ўқув юртиларида бўлиб, Ўзбекистонда таълим соҳасида шакллانган самарали моделни юксак баҳоладилар, бу борада тўплаган тажрибаларни бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида тавсия этиш мумкин, деган ҳулосага келдилар.

Таъкидлаш керакки, бундай эътирофлар географияси кейинги пайтда тобора кенгайиб, улар аниқ илмий-амалий тадқиқотлар, халқаро таҳлилий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топомоқда. Бунинг тасдиғини халқаро медиа оламида машҳур бўлган CNN компаниясининг АКШ, Ўзбекистон ва жаҳоннинг бошқа давлатларида таълимнинг ҳолати тўғрисида яқинда эълон қилинган қиссий ахбороти мисолида яққол кўриш мумкин. Шуниси эътиборлики, бу ахборот Франциянинг нуфузли "Inseed" халқаро бизнес мактаби ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ) томонидан тайёрланиб, шу йилнинг 3 июлида эълон қилинган "2012 йилдаги инновацияларнинг глобал индекс"и деб номлаган таҳлилий маърузага асосланади.

Айтиш керакки, ушбу тадқиқот дунё мамлакатларининг инновацион ривожланиш борасидаги 80та кўрсаткичини ўз ичига олади. Тад-

новацион салоҳият ва қулай шарт-шароитларнинг мавжудлиги билан бевосита боғлиқдир. Бундай ҳолатни баҳолашда ҳар қайси мамлакатнинг инновациялар бўйича индекси алоҳида ўрин тутди. Мазкур индекс эса қуйида баён этилаётган икки гуруҳ кўрсаткичлар бўйича йиғилган умумий баҳолар асосида ҳисобланади. Биринчи гуруҳ — инновацияларни амалга ошириш учун мавжуд ресурс ва шароитлар (институтлар; инсон капитали ва тадқиқотлар; инфратузилма; ички бозор ва бизнеснинг

2

Ўзбекистон таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича ушбу рейтинглар рўйхатида 75,38 балл билан дунёда - ўринни эгаллаган.

ривожланиши). Иккинчи гуруҳ — инновацияларни амалга оширишнинг амалий натижалари (технологиялар ва иқтисодиёт ҳақидаги билимларни ривожлантириш; креатив фаолият натижалари). Якуний индекс харажатлар ва эришилган самара ўртасидаги нисбатни намоён этади ва бу ўз навбатида тадқиқотда қамраб олинган ҳар қайси мамлакатдаги инновацияларни ривожлантириш борасидаги сазй-ҳаракатларни ҳолис баҳолаш имконини беради.

Биз учун фойда қувончли томони шундаки, таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон ушбу рейтинглар рўйхатида 75,38 балл билан дунёда иккинчи ўринни эгаллаган. Биринчи ўринни эса 75,70 балл билан Ирландия банд этган. Дания, Янги Зеландия, Исландия, Бельгия сингари бир гуруҳ ривожланган Европа ва бошқа қитъа мамлакат-

ВАТАНИНГ БОР БЎЙИН КЎРА ОЛ, БОЛАМ!

Bayram an'analari

Фарзандларимизнинг юртиш жон қадар севмоғини, неъматларини эъозламоғини орзу қиламиз. Уларни шу руҳда тарбиялашга уринамиз. Ватанпарварлик сабоғи эса оиладан, хонадондаги тутумлардан бошланади, десак муболаға бўлмас. Ота-она дилбандларига тугилиб ўсган ўғшасининг бор бўйи — ўтмишшо бугунги, порлоқ келажаги суратини оддийгина суҳбатлар, муомалаю муносабатлар орқали чишиб, муррак қалбларнинг туб-тубига жо этувчи биринчи мураббийлардир.

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор, адабиётшунос олим Абдуғафур Расулов ва Тошкентнинг Дўмбиробод маҳалласида истикомат қилувчи уч авлод вакиллари ҳам "биринчи муаллим" дея эъозлайдиган Раъно опа Расулова ўтил-қизлари тарбиясида ана шу масалага алоҳида эътибор қаратишди. Мамлакатимиз тарихига дахлдор адабиётларни ўқиш, кўтимиздаги қадимий обидлар, муқаддас қадимжоларга саёҳат қилдириш орқали болалар дунёқарашини бойитишга, қалбларига Ватанга бўлган самимий муҳаббатни қарор топтиришга эриштишди. Бугун худди шу анъаналарни фарзандлари ҳам давом эттиришмоқда.

"Алласти кўпик" дея аталарди. Ўғлим, кизим Мустақиллик туфайли Тошкент бағри ана шундай гуллаб-яшнагани, озодлик учун шахид кетганлар хотираси абадийлаштирилганини билиши шарт! Ҳозиргина биз "Катанов қўрбонлари" музейини кириб кўрдик. Ўнга бўлимнинг ҳар бири электрон ахборот базасига эга. Мурватни босишингиз билан гўёки китоб варақлагандек, тарих кўз ўнгингизда жонланади. Ўша давр руҳини берувчи видеоларларни кўришнинг, магнит тасмалардаги овозли ёзувларни эшитишингиз мумкин.

— Оиламиздаги бу анъана иш фаолиятимда ҳам жуда асқотади, — дея суҳбатчи-

...Ўшанда августнинг сўнгги кунлари эди. Пойтахтимиз улғу байрам тараддудига ўзгача қиёфага кирган. Шаҳарнинг қай қўчаси томон бурилмас, бир-биридан кўркам бинолар, гарчанд куз эшик қоқётган бўлса-да, турфа рангларда яшнаб турган гулзорларни кўриб қалбингиз яшнайд. Бахтга қарши, шундай бир пайтда севимли моможоним касалхонага тушиб қолди. Тўғирови, қишлоққа борганимизда тоби йўқлигини кўриб, ўзимиз кўярдик-қўймай олиб келиб шифохонага ётқизгандик.

— Мени Тошкентларга келиб даволанади деб ким айтарди, кизим. Замонадан айланай, "Бухоро — Тошкент" йўналишидаги "Шарк" поезди пешинга қолмай, Навоийдан Тошкентга олиб келиб

ли қўйлагингизни-ку бўҳчангизда кўрувдим. Рўмоллар муборак.

— Болагинам, бунақасини бир пайтлар фақат казо-казолар хув фалон мамлакатлардан олиб келишарди. Кеча шифокорнинг маслаҳа-

эканмиз. — Буларнинг ҳаммаси минг бора ўйлиниб қилинган-да. Болаларим, шу замонда чин юракдан меҳнат қилиб яшасанг арзийди. Яшаш билан яшашнинг фарқи боринг. Кун ўтарига ишлаб, ўқийдиган давр эмас хозир. Ох, бизнинг умримиз-а, туналари мижжа қоқмай ипак курти бокданларимиз. Дарвозамиз олдиғача пахта экилиб, қозонимиз қайнамай ўтган кунлар. Қишлоқда яшаб, тўйиб мева ёлмасдик. Бугунчи, ҳамма томон бонор. Муаллима холанг

ДОРИЛОМОН ЗАМОН КЕЛДИ...

қўйди-я. Мен бу учкур отни Мустақилликнинг замида учадиган самолётга ўхшатдим. Бир пайтлар поезд даганлари эшак аравага ўхшарди. Чиксанг, нафасинг қайтарди. Пойтахтга борамиз деб бир тунни Жиззахнинг йўлларига ўтказганимиз, поезд бузилиб қолганим, узилиб қолганим... Шу-шу йўлга чиқамиз деса, юрагим безилларди...

Момогинам ҳар кунни кўргани келганимда гапни шундан бошлар, даври давронларимизга шукрона айтиб, мени кузатаркан, шундай улғу ишларга бош қўшаётганлар, хусусан, Юртбошимизни дуо қилиб кўярдилар. Одатдагидек бир кунни исиккина овқат кўтариб, моможоним ётган палата эшигидан мўраладим. Не қўз билан кўрайки, у киши ясантисан қилиб мени қутиб ўтирган эканлар. Бошларида гулдор рўмол.

— Ия, тинчликми? — дедим бир томондан меҳрибонгинамни бу ҳолатда кўрганимдан суюниб, бир томондан хайратланиб. — Охор-

ти билан салқинда озгина атрофни айландик. Ҳамхонам билан шундоқ йўл четигади дўконга кирсак, хилхили тахланиб ётибди. Фақат ётавермайман-ку, болам... Буларнинг ҳаммаси хурликнинг ортидан. Сандан илтимос, мени Мустақиллик майдонига олиб борсанг. Юртимизнинг тўйи арафасида хусну жамолини бир кўрай...

Момонинг ўтинчини кайтара олмас, айни пайтда, соғалқларидан ҳам хавотирда эдим. Шу боис даволчи шифокор билан маслаҳатлашгач, Тиббиёт академиясида ўқийдиган олам ҳамроҳлигида йўлга чиқдик. Учаламиз Мустақиллик майдонини роса айландик. Суратларга тушдик. Момогинам биздан ҳам илдам-илдам юриб, осмонўпар бинолар, чор атрофга ўзгача фойз узатиб турган фаввораларни томоша қилар, орада ўриндиларга чўкканча дуога қўл очарди...

— Лайлақлар тинчлик элчиси, осийшга юртдангина манзил-макон топилмади, — дедилар арқа ёнидан ўтар

давлат қуриб берган уйдан олди. Кўрсанг, хавасинг келади! Жон кизларим, бу кунларнинг қадрига етинг! Эртага фарзандларингизга ҳам менинг гапларимни уқтиринг. Тез-тез шу томонларга олиб келинг. Юртининг қади-бўйини кўрсин. Фахрлансин, куч олсин! Агар Сизнинг ёшингизда бўлсам ўт, олов бўлиб меҳнат қилардим. Дориламон замон бу кунлар...

Моможонимни шом маҳали шифохонага олиб бориб қўйдик. Кун бўйи қон босимининг ошишию оғриклардан ҳеч безовта бўлмадилар. Касалга ўхшамас, рухлари тетик эди. Палатага кириш билан гулдор рўмолини елкаларига ташлаганча ҳамхоналарига қувона-қувона, мактана-мактана кўрганларини айтиб беришга тушиб кетдилар. Эртасига эса шифокорлар кўригидан сўнг пойтахтда бошланган юрт тўйини қишлоқда давом эттирмоқ учун бардам йўлга чиқдилар.

Шоҳсанам НИЁЗОВА,
журналист



Яқинда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий клиник госпитали бўлим бошлиғи, тиббий хизмат полковниги, "Меҳнат шўҳрати" ордени соҳиби Улғубек Расуловни оила аъзолари билан "Шаҳидлар хотираси" мажмуасида учратдик.

— Мустақиллик, Наврўз каби миллий байрамларимиз, Хотира ва кадрлар кунни арафасида истиқлол иншоотлари халқимизнинг севимли қадимжоларига айланган масканлар, музей ва мажмуаларга бориш хонадонимизда анъана тусига кирган, — дейди Улғубек Расулов. — Қўриш, билиш, англаш нафакат фарзандларимизнинг дунёқарашини бойитади, балки кўнгилларидаги миллий гурур, ифтихор туйғуларини янада оширади. Аждодалари бошлаган улғу ишларни давом эттиришдек бурҷдорлик ҳисси уларни маънан улғайтиради. Болалигимда бу томонлардан ўтишга чўчирдим. Нечаки, бутун шафимизнинг энг фойзли гўшасига айланиб, келин-куёвлар гулдасталар кўтариб келадиган мазкур мажмуа жойлашган ҳудуд у пайтлар

мизга қўшилиди Улғубекнинг умр йўлдоши, Тошкент педагогика коллежи ўқитувчиси Гулчехраҳон. — Дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда шу мавзуга дахлдор бахслар уқштирамиз. Ўқувчиларни ҳам мустақиллик иншоотларини кўришга, ўрганишга ундаймиз. Кизимиз Замирахон Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси, ўғлимиз Зафарбек шифокор бўлиш орзусида. Фикримизча, улар эртага қайси соҳада меҳнат қилишмасин, истиқлолимизни мустақамлашдек улуғвор ишни бирламчи вазифаси деб билишлари, шу юртга фарзандлик бурчини юракдан англаб яшашлари шарт! Ҳар гал оилавий сайрлардан сўнг "Шунча бунёдкорликларни кўрдик, ҳўш, биздан эртага нима қолади? Авлодларимиз қайси ишимиз билан фахрланишди. Улар олдида кизимиз ёруғми?" деган саволи, албатта, ўртага ташлаймиз.

Ойбуви ОЧИЛОВА

Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ АРАФАСИДА

тайёргарлик ишларининг бориши яна бир бор муҳокама этилди

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида "Таълим муассасаларининг янги ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тайёргарлиги" мавзусида видеоселектор бўлиб ўтди. Марказий ҳамда жойлардаги студияларда Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари ҳамда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари раҳбарлари иштирок этди.

Бугунги кунда ёшларнинг билим олишга иштиёқи тобора ортиб бораёпти. Улар бир нечта хорижий тилларда эркин гаплашади, замонавий ахборот-коммуникация технологияларида бемалол ишлайди. Шу маънода юртимизда таълимни замон талабига мос равишда такомиллаштириш, салоҳиятли кадрларни етиштириш мақсадида

ўқув муассасалари моддий-техник базасини кучайтириш, ўқитувчилар маъласини ошириш, муассасаларни янги ўқув-методик адабиётлар билан таъминлашга қатъа эътибор берилмоқда. Ўқувчиларни бошланғич синфдан касб-хунарга йўналтириш, 9-синфни тамомлаётганда ўз келажагини мустақил белгилаш учун замин яра-

тиш масалалари ижобий ҳал этилмоқда.

Видеоселекторда умумтаълим мактабларида янги ўқув йилини кўтаринки кайфиятда бошлаш, ўқувчиларни, айниқса, бу йил 1-синфга қадам қўётган 501 мингдан зиёд болажонларни муносиб қутуб олиш, таълим-тарбия сифатини такомиллаштириш масалалари яна бир бор таҳлил этилиб, зарур чоралар белгиланг олинди.

25-26 август кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия хашарида ўқитувчи ва ўқувчилар ҳам фаол қатнашиб, мактаблар орасталигини таъминлашга муносиб хисса қўишди. Айни пайтда мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари ободонлаштирилиб, янги ўқув йилига ҳозирлаб қўйилган. 1-синф ўқувчиларига аталган Президент совғалари

Халқ таълими вазирлиги томонидан жойларга етказиб берилди. Синф раҳбарлари ва бошланғич таълим ўқитувчилари «Билимлар кун» тадбирлари ва ўтказиладиган «Мустақиллик дарси» байрамона руҳда ташкил этишга пухта тайёргарлик кўрмоқда.

Видеоселекторда шунингдек, ўқув муассасаларини куз-қиш мавсумига тайёр ҳолга келтириш ишлари олиб борилган, ўрганилган натижалари асосида муҳокама этилиб, мавсумга шай бўлмаган айрим мактаблардаги камчилик ва муаммоларни тез кунларда бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири



«O'ZBEKISTON» nashriyot-matbaa ijodiy uyi

Азиз юртдошлар!

*«O'zbekiston» nashriyot-matbaa
ижодий уйи барчангизни
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 21 йиллиги
билан муборакбод этади.*



«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi tashkilotlarni hamkor-
likka taklif etib, nohirlik va matbaa mahsulotlarining barча tur-
larini, jumladan:

- badiiy va bolalar adabiyoti;
- ijtimoiy-siyosiy adabiyotlar;
- ensiklopediyalar;
- rangli va bezakli mahsulotlar (albomlar, plakatlar, bukletlar,
adres panjalari va boshqalar);
- qat'iy hisobda turuvchi raqamli blankalar, chek va ruyxatga oluvchi
kitoblar;
- uquv anjomlari (umumiy daftarlar, kundaliklar, rasim daftarlari
va boshqalar);
- import urini bosadigan xalq iste'moli molari;
- A4 va boshqa formatlardagi ofis-xujalik qog'zlarini, kanpeliyariya
kitoblari va boshqalarini shartnoma asosida, qisqa mudatlarida, yuqori
sifat darajasida, keliшилган narxlarida tayirlab berrishini ma'lum
qiladi.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100129,

Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30.

Телефонлар: 244-34-01, 244-38-93, 244-37-81

Факс: (371) 244-38-10, 244-87-55.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

Web: www.iptd-uzbekistan.uz

ШУ ЮРТ УЧУН ЖОНИМ ФИДО

ТҲЙХОНАГА МАРҲАМАТ!

Сайфиддин тўй қилётган қўшаботликларнинг 30 чақирим узокликдаги Митанга кўрғонига бораётганини эшитиб хуноби ошди. Хурсандчилигини яқинлари даврасида нишонлашга қарор қилган кишига шунча масофа ортқича ташвиш туғдиришмоқ туғул, борадиганларини ҳам ўйлантириши табиий. Бир қадам бўлсада, яқинроқ туман марказида нима учун тўйхона қуриш мумкин эмас?

Ўзбекининг тўйи кўп, ўғил уйлантиради, қиз узатади, бешик тўйи; ҳовли курсас, яна тантана. Замон ўзгарди, давр бошқача. Истиқлол туфайли қишлоқлар чирой очиб, ўзбек хонадонларидаги тўю маъракаларни шинам ва қулай тўйхоналарда ўтказиш урфга кирди.

Отаси Абдумурод ака, онаси Турсунтош опа билан маслаҳатлашган Сайфиддин шу йилнинг 21 март кўни маҳаллий ҳокимият қарорига биноан тўйхона учун ажратилган майдонда қурилиш ишларини бошлаб юборди. «Ҳашпаш» дегунча ёзги тўйхона тайёр бўлди. Унга кенжабойи Азизбекнинг номини беришга аҳд қилдилар. 16 май кўни «Азизбек» тўйхонасининг очи-лиш маросими ўтказилди, 350 кишига дастурхон яратилди. Қариялар «Митанга қараб чопмасак ҳам бўлар экан-ку!» дея тўйхона соҳибларининг ишига ривож тилаб, дуо қилдилар. Гапнинг индаллоси, Самарқанд шаҳридан 100 чақирим узокликда жойлашган Қўшабот тумани марказида қад рост-лаётган маданий-маиший объектлар сингари ушбу тўйхонада ҳам аҳолига чин дилдан хизмат кўрсатилмоқда. 25 август кўни бу ерда бола-лар шифокори Раҳматилла Асатов тўнчи фарзанди Луқмонжоннинг никоҳ тўйини ўтказди.

— Бугунги тўй элгилингчи. Хозирга қадар бўлиб ўтган

тўйларнинг барчасида ошпаз, официант, фаррошлар хизмати учун миннатдорлик эшитдик. Никоҳ тўйларининг кундузи соат 4дан кечки соат 7-8га қадар ўтказилаётгани бизга ҳам, тўй эгаларига ҳам қулайлик туғдиради. То киш фасли эшик қокқунича эл хизматидамиз, — дейди тўйхона соҳибни Сайфиддин Аббасов.

Барчамизни тўйга етказсин!

зорлаштирилган 36та катта-кичик майдончалар майсасини навбати билан ўриб туриш керак. Ана, Мақсуджон ҳам келиб қолди, бунақа фидойи йигитни топиш қийин. 48 минг-квадрат метр майдоннинг майсасини галма-галдан теп-текис қилиб ўриш унинг зиммасида. Баъзан Гулчехра опа ўрилган майсаларни супурги ва хаскаш билан тўплаётиб, Мақсуджон-

ни ҳамма кўради, дуо қилади. Мақсуджон Марабоевнинг дил тўридан чиққан сўзларни тингланг, худди шу ҳақиқатни англайсиз:

— Илгари хиёбон анча бепартиб эди, ҳозир мутлақо бошқача! Эман, каштан, арча ниҳоллари буй чўзаяпти. Тўрт томонда тўртта фаввора, турфа гуллар чаман бўлиб очилган майсазорлар учун авто-

Taqdirimsan, baxtimsan, erkin va obod Vatan!

ХИЁБОННИ ЎЗ УЙДЕК ЯХШИ КЎРАДИ

Эрталабки шабада Гулчехра опанинг лўппигина юзини силаб ўтди. Қариялар айтганидек, қовунпўчоқ ерга тушса, куз келгани. Ҳар туғул, жазирама ёз кунлари кузнинг илик ҳавоси-

нинг қора терга тушиб кетганини кўради.

...Пойтахтимиздаги марказий майдонларни ободонлаштиришга ихтисослаштирилган махсус бошқарма фарроши Гулчехра Аҳмедова, ўт ўрувчи Мақсуджон Марабоев ва ҳамкасблари эрта тонгдан кечга қадар ўз қадрдон хиёбонла-

матик сўғориш тизими ўрна-тилган. «Крафсман» русумли машина билан майсазорларни ҳар ҳафта ўриб чиқаман. Қирқилган ўтлар супурги ва хаскаш ёрдамида йиғиштириб олинган, томоша қилсангиз, завқингиз келади.

...Оқшом чўқади, фонуслар хиёбонни худди кундуздек ча-



га ўрнини бўшатиб берадиган дамлар яқин. Опага ба-рибир — кузми, қишми, ба-хору ёзми, ана шу хиёбонга ошиқади, чор-атрофни супуради.

Ўн тўрт йилдан бери Соҳибқирон Амир Темур тимсоли савлат тўкиб турган бу хиёбон опанинг ўз уйдек бўлиб қолган. Тўрт тарафига тўртта йирик йўлак тушган хиёбондан одам аримайди. Қукалам-

рида гул экиш, парварош қилиш, саранжом-саришталик ишларини баҳрақилар. Хиёбондан ўтаётган, ўриндикда ўтириб дам олаётган, Амир Те-мур ҳайкали пойида суратга тушаётган — ҳуллас, уларнинг меҳнатидан баҳраманд бўлаётган юртдошларимизни, хориж-лик меҳмонларни қўришганида улар яна ҳам мамнун бўли-шади. Демак, юрти учун, эли учун хизмат қилган кишилар-



рогон этади, фавворалардан сув зарралари ён-атрофга сач-раб, киши кайфиятини кўтара-ди.

ЎЗГА ЮРТДА ШОҲ БЎЛГУНЧА...

Айрим қишлоқдошларининг пул ишлаш учун чет элга кетаётганини эшитган Шу-куржон ҳайрон қолади. Қат-қалок еригада чўп қадасанг кўқарадиган бу юрт кимлар-

га ризқ-насиба улашмаган? Дўпписини бошидан олиб, миясини ишлатган, ақлини ишга солган одам хорижий давлатга бориб сарсон-сар-гардон бўлишни, оиласидан ажралиб яшашни ўзига эп кўрмайди. Ишнинг кўзини билмайдиган баъзилар учун гўёки хорижий давлат — жан-нат, у ерда ҳамма зўр яшай-ди...

Фаргона вилоятининг Олтиариқ туманида истиқомат қилувчи яқка тартибдаги тад-биркор Шукуржон Эргашев Капчиғой даштининг бир гек-тар майдонини ўзлаштириб, бу ерни даромад манбаига ай-лантирганига кўп йиллар бўлди. Узум, помидор, бод-рирх етиштириб, улгуржи нархда тадбиркорларга сота-ди. Ҳар йили 10 тоннадан ошқ қишлоқ хўжалиги маҳ-сулоти етиштирадиган Шукур-жон Эргашев ўз меҳнати орқасидан ҳовли-жойини за-монавий кўринишда тиклади, тағида «Дамас» автомашинаси. Фарзандлари Нафисахон, Му-бинохон 4-ихтисослаштирил-ган давлат умумтаълим макта-бида ўқишади. Падари буз-руквори Салим ота, онаси Майрамхон опанинг ҳаж зиё-ратига бориб келиши ҳам де-ҳқончиликнинг даромадидан. Ниятлари холис, шу боис хо-надонлари обод, дастурхонла-ри тўқис, Янгиқўрғон қишло-ғида катта-кичик бу оила аъзо-ларига ҳурмат-эҳтиром билан қарайди.

— Ота-боболаримиз «Ўзга юртда шох бўлгунча, ўз юр-тингда гадо бўлгин», дейиша-ди. Тўғри гап, жаннатимисол Ўзбекистонимизнинг қайси бурчагига борманг, меҳнат қилган киши кам бўлмаётга-нини кўрасиз. Айниқса, биз-нинг водий вилоятларида деҳқончилик орқасидан мол-мулк, обрў-эътибор топаётган кишилар кўп. Улар ҳалол тер тўкса, имкониёт ахтарса, рўзғори бут, оиласи фаровон, юрти гуллаб-яшнашни яши биледи, — дейди тадбиркор Шукуржон Эргашев.

Ҳа, эзгу ниятни дилига ту-ғиб, элининг фаровонлиги, юртининг равнақи учун тер тўккан кишиларни Худо ҳам ёрлақайди.

Хулкар ТҲЙМАНОВА

31-avgust — Qatag'on qurbonlarini yod etish kuni

ХАЛҚИМИЗНИНГ МАРДОНАВОР ҚИЁФАСИ

кўҳна тарихнинг ҳар қатида намоён

шиш қийинроқ кечади. Зеро, билиш жараёни на-фақат ўқиш ва эшитиш, балки кўриб, мушоҳада юритиш, тасаввурда жонлантириш орқали тако-милга етади. Музейга уюштирган саёҳатимиз ту-файли назария ва амалиётни уйғунлаштиришга муваффақ бўлдим, деб ўйлайман.

Музейнинг иккинчи бўлимида мустақиллик йил-



ларини акс эттирувчи экспонатлар бисёр. Тарих ва бугунни солиштираётган ўқувчиларимга разм соламан. Уларнинг юз-кўзида ғурур ва шукрона-лик. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Му-хаммад Бобур, Жалолиддин Мангуберди каби дав-лат арбоблари ва тенгсиз саркардаларимиз, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Баҳоуддин Накшбанд ва бошқа юзлаб алломулар хотирасининг тиклани-ши, меъморий ёдгорликларнинг қайта тазмирла-нишидан сўзловчи суратлар... Истиқлол йилларида бунёд бўлган тарихий иншоотлар макетлари... Ҳул-лас, ҳар қадамда ўзбек халқининг мардонавор қиёфасига дуч келдик.

Музейга саёҳат давомида шунинг англадимки, бун-дай ёндашув ёшлар билимини чуқурлаштирибгина қолмай, уларни бугунги тинч ва фаровон ҳаёти-мизни қадрлашга ундайди.

Нодира ШАРИПОВА,

Бухоро автомобил ва йўллар касб-хунар коллежи тарих фани ўқитувчиси

Бухорийи шарифдан отланган автобус пойтахти-миздаги «Ўзбекистон» меҳмонхонасига етиб келга-нида, ўқувчилар йўл бўйи шеър кўшиқ айтиб, рақсга тушган бўлишига қарамай, бир зум тин олишни истамадилар. Улар шу вақтгача телеви-зору китобларда кўрган истиқлол обидалари ва қадамжолари сари ошиқшарди.

Еш сайёҳлар «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик маж-муи ҳамда «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи-га келишганда, атрофда соқинлик ва тинчлик ҳукм сурарди. Хиёбон узра Бўзсув канали ҳам ушбу ажиб сукунатга ҳамоҳанг бир маромада оқарди.

Ўқувчилар музейга кирдилар. Замонавий ва ас-рий анъаналарни ўзида мужассам этган қадамж о-ртимизда инсон шаъни ва қадр-қиммати ҳар нар-садан улуғлигини намоён этиб тургандек эди. Та-рих ҳақиқати, ўтмиш талотўилари ҳамда муста-қилликнинг буюк неъмат эканини ифодаладиган катта-кичик экспонатлар барчани қизиқтириб қўйди. Ўқувчилар ҳар бир ашёни синчковлик билан кўздан кечириб бошладилар.

XIX аср ўрталарида Туркистоннинг истило қили-ниши ва унга қарши курашлар, халқ кўзғолла-ри, ўтган асрдаги қатағонлар, 1980-йиллардаги «пах-та иши»... Барча маълумотлар электрон ахборот мажмуасида мужассамлаштирилган эди. Архив ҳуж-жатарни, фотосурат ва ашёвий далилларни ўз кўзи билан кўриб, ўқувчиларимнинг тасаввури янада бойиди.

Тарих фанидан дарс ўтарганимиз, мавзуни дарс-лик ёки бошқа адабиётларда берилган маълумот-лар билан тушунтирсак, кўзланган максатга эри-










ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Азиз ватандошлар!

«SHARQ»

нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
жамоаси Сизларни
Мустақиллигимизнинг
21 йиллиги билан
самимий муборакбод
этади!



«SHARQ» — ўз анъаналарига содиқлик, юксак технология, замонавий услуб!

Барча турдаги ноширлик маҳсулотлари
ҳамда матбаа хизматларини таклиф этамиз.



МУСТАҚИЛЛИК — ОЛИЙ БАХТ

бу ҳар бир соҳада ўз ифодасини топмоқда

Юртимиз мустақиллигининг қутлуғ 21 йиллик шодиёнаси кенг нишонланадиган сана арафасида Лондон шаҳри мезбонлик қилган XXX ёзги олимпия ўйинларида икки юздан зиёд дунё мамлакатлари орасида жонажон ўзбекистонимиз номи ҳам баралла янгради. Унда ватан шарафини муносиб ҳимоя қилган йигит-қизларимиз, уларнинг устоз-мураббийлари, қўйингки, бутун жамоамиз ўз ютуқлари билан халқимизнинг энг юлғу, энг азиз байрамига муносиб тўхфа тайёрлашди.

Жумладан, уч карра олимпиада чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлган эркин курашчимиз Артур Таймазов, бронза медали соҳиблари: Ришод Собиров, Аббос Атоев ва Сослан Тугиев номини бузган ёш кекса яхши билади.



Аббос АТОЕВ,

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи, боксчи — XXX ёзги олимпиада совриндори:

— Олимпия ўйинлари ичида бокс бирор мусобака билан тенглаштириб бўлмайди. Худди шунингдек, олимпиада медалига са

халкимиз ва Президентимиз олдига юзим ёруғ бўлганидан бениҳоя хурсандман.

Ўйлаётганим, ушбу натижа Олимпиада ўйинларидаги муваффақиятларимнинг бошланиши, ҳолос. Кейинги олимпия ўйинларига бундан ҳам кучли тайёргарлик кўраман. Олтин медални қўлга киритишга кучим етади. Бу борада устоз-мураббийларим билан янги-ча усуллар асосида ишлаш, боксга доир энг сўнгги билимлардан ўзлаштириш ва ҳар бир боксчи

завор бўлиш ҳам улкан натижа сифатида қадрланади. Ўзингиз гувоҳи бўлдингиз, ўнга яқин спортчимиз олимпиада ўйинларида тўртинчи ўрин билан кифояланганим. Бу бир кадам кам бронза медали дегани! Хусусан, боксчиларимиз бу сафар ҳам олимпиадада доимийдек ажойиб тарзда тайёргарлик кўрди ва қўлиб-қўйиб асосий даражалардан бири сифатида рингга чиқди.

2008 йили Пекинда кечган олимпиадада ҳеч ким, ҳатто ўзим ҳам муваффақиятсиз иштирок этишимни кутмаганим. Мағлубият эса спортчида доим тегишли сабоқ чиқариш учун имкон беради. Лондон шаҳрида кечган мусобакаларда бронза медалига сазовор бўлиб, ўз олдига қўйган максималга қисман бўлса ҳам эришганимдан, бизни қўллаб-қувватлаб турган

"Malibu", Ришод Собиров, Аббос Атоев ва Сослан Тугиевга эса "Lacetti" автомобиллари ҳамда пул мукофотлари топширилди. Табиийки, спортчиларимизга кўрсатилаётган бундай улкан эҳтиромни кўриб мурғак қалби янада чексиз ҳавас ва иштиёққа тўлиб-тошаётган ёш авлод вакиллариининг сон-саногини йўқ. Улар ҳам худди музаффар спортчи акаларий сингари юртимиз номини дунёга танитиш, халқаро мусобакаларда ишончли ҳимоя қилишни, қандай соҳанида эстагидан тўтмасин, эл-юрт равақи учун ҳисса қўшишдек олий мақсадларни дилига тугишмоқда.

Зоҳиджон ХОЛОВ ёзиб олди.

Ришод СОБИРОВ,

"Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони соҳиби, дзюдочи — XXX ёзги олимпиада совриндори:

— Олимпиадада иштирок этишнинг ўзиёқ улкан муваффақият аслида. Менга эса иккинчи бор унвон бронза медалини қўлга киритиш бахти nasib қилди. Маълумки, спорт тури оммалашгани сайин унда зафар қувиш ёки ўз ўринингизни сақлаб туриш мурраккаблашиб бораверади. Хар максум спорт сайёраси янги номлар, иктидорлар, кучли спортчилар билан бойийверади. Шу боис устозларим Лондон олимпиадасида эришган натижаимни фаолиятимдаги навбатдаги юксалиш деб баҳолашмоқда. Бунинг учун мендан нимаки талаб этилса, барчасини бекаму кўст бажаришга бор салоҳиятим ва куч-қайратимни бағишлайман. Токи Олимпиада чемпиони деган шарафли номга эришиб, kindik қоним тўкилган муқаддас диёримиз мадҳиясини дунё спорт майдонига янграшмоқда тилимайман!

Юртдошларимизни Мустақилликнинг 21 йиллиги билан табриклайман. Уларнинг оиласига фаровонлик, тинчлик, давомий фалабахлар ёр бўлишини тилайман. Мен каби ўнлаб спортчиларга омад тилаб, дарду қувончимизга шерик бўлган ватандошларим ва устозларимдан миннатдорман.

Халқаро майдонда юксак маҳорат кўрсатиб, ўз иродасини намойиш этган спортчиларимиз спортсевар халқимиз ҳамда давлатимиз томонидан муносиб раъбатланганди. Юртбошимиз Ислом Каримов Оқсаройда ёзги олимпия ўйинларида медалларни қўлга киритган спортчиларимиз ва уларнинг устозларини самимий табриклади ва келгусидаги фаолиятига муваффақиятлар тилади.

Шундан сўнг, 29 августда музаффар спортчиларимиз Олимпия шон-шўхрати музёйида Лондонда юксак марраларни забт этгани учун ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Артур Таймазовга

катнашиб, юртимга олтин медал билан қайтган, деган умиддан. Бунинг учун мендан нимаки талаб этилса, барчасини бекаму кўст бажаришга бор салоҳиятим ва куч-қайратимни бағишлайман. Токи Олимпиада чемпиони деган шарафли номга эришиб, kindik қоним тўкилган муқаддас диёримиз мадҳиясини дунё спорт майдонига янграшмоқда тилимайман!

Юртдошларимизни Мустақилликнинг 21 йиллиги билан табриклайман. Уларнинг оиласига фаровонлик, тинчлик, давомий фалабахлар ёр бўлишини тилайман. Мен каби ўнлаб спортчиларга омад тилаб, дарду қувончимизга шерик бўлган ватандошларим ва устозларимдан миннатдорман.

Халқаро майдонда юксак маҳорат кўрсатиб, ўз иродасини намойиш этган спортчиларимиз спортсевар халқимиз ҳамда давлатимиз томонидан муносиб раъбатланганди. Юртбошимиз Ислом Каримов Оқсаройда ёзги олимпия ўйинларида медалларни қўлга киритган спортчиларимиз ва уларнинг устозларини самимий табриклади ва келгусидаги фаолиятига муваффақиятлар тилади.

Шундан сўнг, 29 августда музаффар спортчиларимиз Олимпия шон-шўхрати музёйида Лондонда юксак марраларни забт этгани учун ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Артур Таймазовга

катнашиб, юртимга олтин медал билан қайтган, деган умиддан. Бунинг учун мендан нимаки талаб этилса, барчасини бекаму кўст бажаришга бор салоҳиятим ва куч-қайратимни бағишлайман. Токи Олимпиада чемпиони деган шарафли номга эришиб, kindik қоним тўкилган муқаддас диёримиз мадҳиясини дунё спорт майдонига янграшмоқда тилимайман!

Юртдошларимизни Мустақилликнинг 21 йиллиги билан табриклайман. Уларнинг оиласига фаровонлик, тинчлик, давомий фалабахлар ёр бўлишини тилайман. Мен каби ўнлаб спортчиларга омад тилаб, дарду қувончимизга шерик бўлган ватандошларим ва устозларимдан миннатдорман.

«Paralimpiya o'yinlari — 2012» ЎЗБЕК ПОЛВОНИ КУМУШ МЕДАЛЬ СОВРИНДОРИ

Лондон шаҳрида давом этаётган XIV Паралимпия ўйинларида хамюртимиз Шариф Халилов кумуш медални қўлга киритиб, энг улуг, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига муносиб совға ҳозирлади.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнаомлигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик, аҳоли, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, жисмоний имкониятлари чекланган ва ногирон ёшларнинг ҳам спорт билан шуғулланиши учун яратилаётган кенг имкониятлар ўз самараларини бермоқда.

Дзюдочимиз вази 73 килограммга-

ча бўлган полвонлар баҳсида венесуэлик Маурисио Брикенони, аргентиналик Родолфо Рамирезни, ярим финалда россиялик Шаҳбан Курбоновни мағлубиятга учратди.

Хал қилувчи баҳсда украиналик Дмитро Соловейга имкониятни бой берган Ш.Халилов кумуш медал билан тақдирланди.

**Байрам АЙТМУРДОВ,
ЎЗА муҳбири**

Ma'rifat

TA'SIS

ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati:
Madamin ARIPIANOV,
Jumanazar
BEKNAZAROV,
Baxtiyor DONIYOROV,
Farrux JABBOV,
Bosh muharrirning
birinchi o'rinbosari,
Baxtiyor YOQUBOV
(mas'ul kotib),
Mahmud MURZAYEVA,
Husan NISHONOV
(bosh muharrir
o'rinbosari),
Nurlan USMONOV
(bosh muharrir
o'rinbosari, "Uchit'el'
Uzbekistana"),
Aleksy CHUKARIN
(mas'ul kotib, "Uchit'el'
Uzbekistana"),
Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston
Matbuot
va axborot agentligida
№ 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416
7201064109

INDEXES: 149, 150.
G-918. Tiraj 33473.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Qurbonboy
MATQURBONOV.
Navbatchi:
Sherali NAMOZOV

"Ma'rifat" dan materiallarni
ko'chirib bosish tahriyat
ruxsati bilan amalga oshirilishi
shart. Tahriyatga kelgan
qo'lyozmalar taqrir
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun
tahriyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083,
Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul
kotib — 233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim
yongilliklari bo'limi — 236-
53-16, fan, oliy va o'rta
maxsus, kasb-hunar ta'limi
yongilliklari bo'limi — 236-
54-03, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti
yongilliklari bo'limi — 236-
54-69, ma'naviyat va
maktabdan tashqari ta'lim
yongilliklari bo'limi — 236-
54-23, siyosat, xalqaro hayot
va sport yongilliklari bo'limi
— 236-55-58, reklama va
marketing bo'limi — 233-
42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHEVA.

"Sharq" nashriyot-
matbaa aksionerlik
kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili: "Buyuk Turon"
ko'chasi 41-uy

Bosishga topshirish
vaqti — 21.00.
Topshirildi — 02.20
Yza akyni — 01.55

«ELXOLDING»

илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси

*барча юртдошларимизни ва мамлакатимиз
таълим тизимида меҳнат қилаётган
фидойи устоз ва мураббийларни*


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ**

айёми билан чин юракдан муборакбод этади.

EL
XOLDING



*Сиз азизларга энг эзгу
тилакларимизни йўллар эканмиз,
тинчлик-хотиржамликдек улуг
неъмат юртимизда доимо
барқарор бўлишини тилаб қоламиз.
Мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги
улугвор ишларда барчангизга омад
ва зафарлар ёр бўлсин!*



Бизнинг манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси 36-уй.
Телефонлар: +99866 234-22-72, +99866 234-25-13

**ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН,
ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!**



O'ZSANOATQURILISHBANK

*азиз юртдошларимизни энг улуг,
энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг
21 йиллик қутлуг шодиёнаси билан самимий
муборакбод этади.*

*Сизларга эзгулик, омад, бахт ва саодат,
буюк ва муқаддас Ватанимизнинг
янада гуллаб-яшнаши
йўлидаги бунёдкорлик фаолиятингизда
янгидан-янги зафарлар ёр бўлсин!*



**2012 йил —
«Мустақкам оила йили»**